

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 23 (934) • 2013-yil, 7-iyun, juma

“Универсиада — 2013” спорт ўйинлари иштирокчиларига

Қадрли ўғил-қизларим!
Муҳтарам устоз ва мураббийлар, ҳурматли меҳмонлар!

Бугун униб-ўсиб, катта ният ва ишонч билан ҳаётга кириб келаётган сиз, азиз фарзандларимни Ўзбекистон ёшларининг ҳаётидаги улкан воқеа — ёшлик, гўзаллик ва спорт байрами бўлмиш “Универсиада — 2013” ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ўлкамиздаги барча спорт мухлислари, миллионлаб ёшларимиз, бутун халқимизнинг диққат-эътиборини бугун ўзига тортаётган бу спорт байрамининг «Кўҳна ва боқий Бухоро» деб ном олган табаррук заминда ўтказилаётгани ушбу тантананага алоҳида маъно-мазмун ва кўтаринки руҳ бағишламоқда, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз “Универсиада” қатнашчилари!

Сизларнинг “Кичик Олимпиада” деб аталган мана шу нуфузли мусобақага қандай кескин кураш ва беллашувлар орқали етиб келганингиз, ўз олдингизга қўйган мақсад йўлида азму шижоат ва қатъият кўрсатиб, олий ўқув юртларида илму фан чўққиларини эгаллаш билан бирга, спорт майдонларида ҳам умидбахш натижаларга эришганингиз, мамлакатимизда ўтказиладиган спорт ўйинларининг энг юқори босқичи бўлган 2013 йилги “Универсиада” финалига чиққанингизнинг ўзи, ҳеч шубҳасиз, ҳар бирингиз ўзингиз танлаган спорт тури бўйича катта ютуқларни қўлга киритганингиздан гувоҳлик беради.

Албатта, бундай юксак марралар ва шоҳсупаларга кўтарилиш учун қанча-қанча ҳаракат, қанча куч-қувват, ирода ва мардлик кераклигини ана шундай ҳолатларни бошидан кечирган ҳар қайси одам ўзига яхши тасаввур қилиши муқаррар.

Бу фикрларнинг тасдиғини қуйидаги рақам ва мисоллар яққол намоён қилади.

“Универсиада” ўйинларининг саралаш босқичларида иштирок этган қарийб 138 минг талаба орасидан якуний босқичга 1020 нафар қатнашчининг етиб келгани бу мусобақаларнинг миқёси нақадар кенглиги ва уларнинг нечоғли қаттиқ курашлар асосида ўтганини кўрсатади.

Мамлакатимизда олтинчи бор ташкил этилаётган “Универсиада” беллашувларини юқори савияда, уюшқоқлик билан ўтказиш учун аввало жойларда, вилоят ва шаҳарларда зарур шароитлар яратилгани, жумладан, Бухоро шаҳрида ўнлаб муҳташам спорт саройлари ва мажмуалари бунёд этилгани, қарийб 93,5 миллиард сўм маблағ сарфланиб, катта ҳажмдаги қурилиш, реконструкция ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилганини инобатга оладиган бўлсак, ҳар уч йилда ўтказиладиган бу спорт байрамига давлатимиз ва жамиятимиз томонидан қандай улкан эътибор ва аҳамият берилаётгани янада яққол аён бўлади.

Буларнинг барчаси авваламбор сиз, азиз болаларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, вояга етаётган фарзандларимизнинг тараққий топган давлатлардаги тенгдошларидан кам бўлмаслиги, улар билан бемалол беллашувга тайёр бўлиши учун, лўнда қилиб айтганда, навқирон ёшларимизнинг халқимиз, Ўзбекистонимизнинг таянчи ва суянчи, биз интилаётган юксак марраларга етиш йўлида ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кириши учун — ана шундай буюк мақсадларга эришиш учун амалга оширилаётганини тушуниш, англаш қийин эмас.

Қадрли фарзандларим!

Халқимиз, жамоатчилигимизга яхши таниш бўлган, ҳаммамизга куч-қувват бағишлайдиган, эртанги кунга ишонч туғдирадиган “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз!” деган олижаноб даъват барчамизни мана шундай гўзал ва бетакрор Ватанимизга меҳр қўйиб, ғурур ва ифтихор билан яшашга чорлайди.

Ҳозирги вақтда миллий спортимиз ифтихорига айланган Ришод Собиров, Аббос Атоев, Рустам Қосимжонов, Окгул Омонмуродова, Светлана Радзивил, Севара Қодирова, Денис Истомин, Саида Искандарова, Вадим Меньков, Дилшод Мансуров каби ўнлаб истеъдодли ёшларимизнинг спорт оламидаги ютуқлари учун айнан “Универсиада” мусобақалари парвоз майдончаси бўлиб хизмат қилгани яхши маълум. Сизлар ҳам ана шундай моҳир спортчиларимизнинг изидан бориб, келажакда Ватанимиз байроғини жаҳон спорт майдонларида баланд кўтаришингизга барчамиз тилақдошимиз.


Ҳеч шубҳасиз, “Универсиада — 2013” беллашувлари эл-юртимизга хос бўлган ҳалоллик, мардлик ва ўзаро ҳурмат руҳида ўтади, қадимий Бухоро заминиде яшаб ўтган буюк аجدодларимизнинг руҳи поклари сизларни қўллаб-қувватлайди, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга атаб юксак талабларга жавоб берадиган замонавий спорт мажмуаларини барпо этган қурувчи ва муҳандисларга, мутасадди ва ҳомий ташкилотларга, бағрикенг, меҳмондўст Бухоро аҳлига ўз номидан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Азиз ўғил-қизларим!

Барчангизни бағримга босиб, сизларга сихат-саломатлик, бахт ва омад ҳамиша ёр бўлишини тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Ёшлик, баркамоллик ва гўзаллик байрами

Бухорода олий таълим муассасалари талабалари ўртасида «Универсиада — 2013» республика спорт ўйинлари бошланди

Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро шаҳри яна байрам оғушида. Шаҳар иккинчи маротаба ёшлик, баркамоллик, шижоат ва гўзаллик байрами — Универсиада мусобақаларига мезбонлик қилмоқда.

«Бухоро» марказий стадионда «Универсиада — 2013» республика спорт мусобақаларининг чорлов садолари янграйди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари саф тортади.

Бухоро вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи М.Эсонов Ўзбекистон олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада — 2013» спорт ўйинларини очиб, деб эълон қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов-

нинг «Универсиада — 2013» спорт ўйинлари иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.



Фракция таклиф ва тавсиялари

инобатга олингани қонун лойиҳасининг янада такомиллашувига хизмат қилди

Қонунчилик

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, Қонунчилик палатаси кўмиталари вакиллари, вазирлик ва идоралар масъул раҳбар ходимлари, партия эксперт-



лари ва фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.



Партия кенгаши депутатдан нимани кутаяпти? Депутат-чи?

муносабатлардаги ўзаро ишонч ва ҳамкорлик жамоатчилик назорати самарадорлигини таъминлашга хизмат қилаяптими?

Семинар-тренинг

Маҳаллий ҳокимиятнинг вакиллик органига кўппартиявийлик шароитидаги сайловларда номзоди кўрсатилиб сайланган депутатнинг партия кенгашидан йўл-йўриқ кутиши ва унга ҳисобот беришини қўя туринг, ўзини сиёсий ташкилот аъзоси эканлигини айтишга ийманишини, истиҳола қилишини қандай баҳолаш лозим? Албатта, салбий!



Юзма-юз мулоқотлар

сайловчиларнинг сиёсий онги ва тафаккури юксалиб бораётганини кўрсатди

Учрашувлар

Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоларининг 27-31 май кунлари ўз сайлов округларидаги сайловчилар билан учрашувларида асосий эътибор парламентда муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари ва қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, ушбу жараёнда фракциянинг электро манфаатларидан келиб чиққан ҳолда илгари сураётган таклифлари, “Обод турмуш йили” Давлат дастури ижросида партиянинг иштироки ва сайловчиларни ўйлантираётган масалаларга қаратилди.



Учтепада янги БПТ очилди



Партия ҳаёти

Фракция таклиф ва тавсиялари

инобатга олингани қонун лойиҳасининг янада такомиллашувига хизмат қилди

Давоми. Боши 1-бетда

Йигилишда парламент куйи палатаси аъзолари муҳокама-сига киритилаётган қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда фракция муҳокамасига тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун кулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан ишлаб чиқилган ушбу қонун лойиҳаси депутатлар томонидан билдирилган таклиф ва тавсиялар инобатга олинган ҳолда иккинчи ўқишга тайёрланган.

Муҳокамада сўзга чиққан фракция аъзолари қонун лойиҳасининг мақсади ва вазифалари ҳақида гапириб, тадбиркорлик субъектларига кенг эркинлик бериш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатлигини алоҳида таъкидлашди. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ва уларга нисбатан қўлла-надиған жазо қораларини либераллаштиришга қаратилган ушбу лойиҳани ишлаб чиқиш зарурияти иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳасида амалга ошири-лаётган ислохотлардан, тадбиркорлик субъекти ва давлат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солуви қонунчилиги такомил-лаштиришдан келиб чиққанли-ги таъкидланди.

Фракция аъзоси Қодир Жўраевнинг айтишича, ижтимоий адолат, қонун устувор-лигига асосланган, барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлган ва ўз конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини бемалол амалга ошира оладиган ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш гоёсини илгари суриб келаётган «Адолат» СДП фракцияси аъзолари мазкур қонун лойиҳаси аҳоли турмуш сифати кўрсаткичларини янада яхшилашга ва қонун устуворлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятли эканини алоҳида эътироф этишди.

Қонун лойиҳаси юридик шахслар учун солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоб-лаш билан боғлиқ бўлмаган молиявий санкцияларни бекор қилиш заруриятидан келиб чиқиб, 13 та қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш таклиф этилмоқда.

«Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги (Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида мувофиқликни баҳолаш тўғрисида) қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Мазкур қонун лойиҳасининг гоёси, техник жиҳатдан тартибга солиш объектларига йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий талабларни «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқлаштириш ҳамда республиканинг муво-фиқликни баҳолаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини халқаро қонунчилик талаблари, шу жумладан, иқтисодий фаолиятдаги ушбу қонун соҳасига кирувчи маъмурий тўсиқларни камайти-риш бўйича Бутунжаҳон савдо



ташкilotи келишувларига уй-ғунаштиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомил-лаштириш тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан ишлаб чиқилган «Олий малакали ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ҳамда аттестациядан ўтказиш тизими янада такомил-лаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари-га ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда фракция муҳока-масига тақдим этилди.

Фармонга биноан, умум қабул қилинган халқаро талаб-лар ва стандартларга мувофиқ диссертация ҳимоя қилиш ва Фан доктори илмий даражаси-ни бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий этиш белгиланган. Шунингдек, стажёр-тадқиқотчи-изланувчи-лар институтини бекор қилиш, унда таълим олаётган шахс-

ларни олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимининг янги талабларига мувофиқ, уларни аттестациядан ўтказиш ва диссертация тадқиқотлари мавзуларини танқидий қайта кўриб чиқиш асосида катта ил-мий ходим-изланувчилар инсти-тутутига ўтказиш назарда ту-тилган. Шу боис, олий таълим-дан кейинги таълим тизимида амалга оширилаётган ислохот-лар муносабати билан Ўзбеки-стон Республикасининг Меҳнат ҳамда Уй-жой кодекслари-дан, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»-ги, «Таълим тўғрисида»ги Қонунлари ва Кадрлар тайёр-лаш миллий дастуридан «ас-пирантура» тушунчасини чи-кариш ташлаш, «докторантура» тушунчасини «катта илмий хо-дим-изланувчилар институт» тушунчаси билан, «илмий да-ражалар» тушунчасини эса «илмий даража» тушунчаси билан алмаштириш таклиф этил-моқда. Демак, қонун лойиҳаси асосида юқоридagi ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгар-тишлар киритиш таклиф этил-моқда.

Муҳокамаларда сўз олган фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурида бел-гиланган давлат олий таълим тизимини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, илм-фан вакиллари, олимлар ва педа-гогларни бундан буён ҳам фаол қўллаб-қувватлаш мақ-садларини амалга оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлади.

«Одамнинг иммунитет тан-қислиги вирус келтириб чи-қарадиган касаллик (ОИВ ин-фекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси, ай-ниқса, қизғин кечди.

Мазкур қонун лойиҳаси ор-қали ОИВ инфекцияси тарқ-алишига қарши кураш соҳаси-даги давлат сиёсати белгилаб қўйилмоқда. Аср балоси ҳисоб-ланган касаллик тарқалишига қарши кураш фаолиятини бе-восита амалга оширувчи дав-лат органларининг ваколатла-ри, ўзини ўзи босқариш орган-лари, нодавлат нотижорат таш-килотларининг ҳуқуқлари, ОИВ ин-фекцияси тарқалишига қар-ши кураш тадбирларини

мувофиқлаштириш Республика комиссиясининг вазифалари, унинг тузилиши ва низомини тасдиқлаш тартиблари лойиҳа-да аниқ акс эттирилган.

Мазкур қонун лойиҳасининг биринчи ўқиш муҳокамалари-га бағишланган мажлисларида фракция аъзолари, партия экс-пертлари қонун лойиҳаси юза-сидан ўз фикр-мулоҳазалари-ни билдириш билан бирга, уни янада такомиллаштиришга хиз-мат қилувчи таклиф ва тавсия-ларини ҳам баён этишган эди.

Маърузачи ушбу қонун лойи-ҳасининг иккинчи ўқишдаги му-ҳокамасида ахборот берад экан, у лойиҳа муҳокамасида «Адолат» СДП фракцияси аъзо-лари билдирган таклиф ва тав-сиялар ишчи гуруҳида кенг му-ҳокама қилинган, ушбу так-лифлар қонун лойиҳасининг янада такомиллашувига хизмат қилганини алоҳида таъкидла-ди.

Фракция аъзоси Зухра Бо-тирова таъкидлаганидек, соғ-лиқни сақлаш масаласида партия дастурида устувор ва-зифа сифатида эътибор қара-тилган. Хусусан, аҳолининг

кенг қатламларига кўрсатила-диган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш, соғлиқни сақ-лаш тизимини ислоҳ қилишда ўз иштирокини янада кучайти-риш, бепул тиббий хизмат кўр-сатишни кафолатлайдиган қо-нунларни ҳаётга татбиқ этиш, аҳоли саломатлигини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш каби вазифалар белгиланган.

«Ўзбекистон Республикаси-нинг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғри-сидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қонун лойиҳаси муҳокама-сида таъкидландики, қонун лойи-ҳаси иккинчи ўқишда тайёрла-ниш жараёнида бир қатор тах-ририй ўзгартишлар киритилди. Шунингдек, «Адолат» СДП фракцияси томонидан билди-рилган таклифлар инобатга олинган ҳолда қонун лойиҳаси назорат-таҳлил тариқасида ви-лоятларда муҳокама этилди.

Ушбу лойиҳа республикамиз миқёсида стратегик аҳамиятга эга бўлган нефть ва газ маҳ-сулотлари соҳасидаги жиноят-лар учун жиноий жавобгарлик-ни кучайтириш, жумладан, қувар ўтказгичлар устидан на-зоратнинг янада самарали ти-зимини жорий этиш мақсади-да ишлаб чиқилган.

Қонун тартибига киритилган қонун лойиҳаларини янада таъ-комиллаштириш юзасидан фракция аъзолари Ўзбекистон «Адолат» СДП позициясидан келиб чиққан ҳолда ўз таклиф ва тавсияларини билдирдилар ва уларни маъқулладилар.

Муҳокама этилган масала-лар юзасидан фракциянинг нуктаи назари белгилаб олин-ди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фарҳод ЭСОНОВ,
«Адолат» мухбири

Ёшлик, баркамоллик ва гўзаллик байрами

Бухорода олий таълим муассасалари талабалари ўртасида «Универсиада — 2013» республика спорт ўйинлари бошланди

Давоми. Боши 1-бетда

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи кўтарилди.

Универсиада байроғи кўтарилди.

Спортчи ёшлар бўлажак му-собақаларда ҳалол, мurosасиз ва мардона кураш олиб бориш ҳақида тантанали сўз бердилар.

Соғлом ва баркамол авлод мамлакатимиз тараққийотини, халқимиз фаровонлигини, турму-шимиз ободлигини таъминлов-чи қудратли кучдир. Шу боис ёшларни жисмонан соғлом, маъ-наан етук этиб тарбиялашга дав-лат сиёсатининг устувор йўна-лишларида бири сифатида ало-ҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан жорий этилган ва янги педа-гогик технология сифатида қў-ллаб-қувватларда катта қизи-қиш билан ўрганилаётган таъ-лим соҳасидаги уч босқичли спорт ўйинлари — умумтаъ-лим мактаблари ўқувчилари-нинг «Умид ниҳоллари», кол-леж ва лицейлар ёшлари ўр-тасидаги «Баркамол авлод» ва олий ўқув юртлири талабаларининг Универсиада мусоба-қалари ана шу мақсадга хиз-мат қилмоқда.

Мамлакатимиз терма жамоа-ларига иқтидорли спортчилар-ни тарбиялаш, олимпиячилар захирасини мустаҳкамлаш, ёш иқтидор эгаларига катта спорт сари кенг йўл очишда мазкур тизим муҳим аҳамият касб эта-тир. «Умид ниҳоллари»да илк маротаба катта мусобақа ҳаво-сини олган ёшлар «Баркамол авлод» ўйинларида тажриба ва маҳоратини оширмоқда. Уни-версиада беллашувларида етук спортчи сифатида шаклланиб,



катта спорт майдонларида дав-латимиз байроғини баланд кў-тармоқда.

Мамлакатимиз талабаларининг 2000 йилда Наманган шаҳ-рида бўлиб ўтган илк Универ-сиадада спортнинг 9 тури бўйича 1712 нафар талаба ишти-рок этган эди. Бухоро, Са-марқанд, Тошкент ва Андижон шаҳарлари мезбонлик қилган кейинги Универсиадаларда ёш-ларнинг маҳорати ва иқтидори ошиб, иқтидорли спортчилар сафи кенгайиб бораётгани на-моён бўлди.

Бу нафақат иштирокчилар сонининг кўпайганида, айни пайтда беллашувлар кескин ва мurosасиз ўтишида, медаллар сонининг ортганида, спортчи-лар кўрсаткич ва рекордла-рининг йилдан-йилга ошиб бо-раётганида ҳам яқоил кўзга ташланади.

Бокс, эркин ва юнон-рум ку-

раши, дзюдо, шахмат, бадий гимнастика, оғир атлетика, тен-нис бўйича яратилган ўзбек спорт мактабларини бутун дунё эътироф этмоқда.

Дзюдо бўйича икки карра жа-хон чемпиони, Пекин ва Лон-дон Олимпиадалари совриндо-ри Ришод Собиров, жахон че-мпioniети совриндори Дилшод Чориев, ўзбек қизлари ўртаси-да биринчи халқаро гроссмейс-тер Нафиса Мўминова, Осиё ўйинлари кумуш медали сов-риндори, ФИДЕ устаси Нодира Нодиржонова, белбоғли кураш бўйича уч карра жахон чемпи-они Рустам Умаров, енгил атле-тика бўйича ёшлар ўртасида жахон чемпиони Светлана Рад-зивил, Осиё ўйинлари гoлиба-си Юлия Тарасова, сузмиш бўйи-ча кўпкарра рекордчилар — Равно Омонова, Олдуз Кўчк-орова, ўсмирлар ўртасида китъа чемпионатида голиб чиққан ба-

дий гимнастикачи Азиза Ма-мажонова каби йигит-қизлар ана шу уч босқичли тизим ор-қали катта спортга қадам қўй-ган.

Ўзбекистон спортининг халқ-аро майдондаги нуфузи юкс-алаётгани юртимизда жисмоний тарбияни оммалаштириш, бо-лалар спортини ривожланти-риш, айниқса, қишлоқ жойлар-да замонавий спорт иншоот-ларини барпо этиш вазифаси давлат сиёсати даражасида кўтарилгани билан чамбарчас боғлиқ. Бу жараёнда Ўзбеки-стон Халқ таълими вазирлиги ҳузурдаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси-нинг фаолияти айниқса сама-рали бўлмоқда. Жамғарма то-монидан ўн йилда 1113 бола-лар спорт объектлари қуриди, фаолият кўрсатаётган 262 спорт иншооти реконструкция қилинди ва капитал таъмирлан-ди. Спорт билан мунтазам шу-ғулланаётган болалар сони 1 миллион 800 минг нафардан ошди. Бу кўрсаткич 2003 йилга нисбатан 1,4 баробар кўндрди.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, спорт ҳар қайси миллат, ҳар қайси халқни дунёга танитиш-нинг, унинг салоҳиятини намо-ниён этиш, ғурур ва ифтихорини юксалтиришнинг энг самарали ва таъсирчан воситасидир. Ин-соннинг шахс сифатида камол топишида, унда кучли ирода, ғалабага интилиш, қийинчилик-ларни енгил руҳини тарбия-лашда, қалби ва онига ватан-парварлик туйғуларини синг-диришда спортнинг аҳамияти бекиёс. Болалар спортини — ўз-бек спортининг келажиги, унинг халқаро майдондаги обрў-эъти-борини оширишнинг мустаҳкам пойдеворидир.

...Стадионга сокинлик чўма-ди. Тошкент вилоятининг Пар-

кент туманида жойлашган «Фи-зика-Кўёш» илмий-ишлаб чиқа-риш бирлашмаси Материалшу-нослик институтининг кўёш ўчо-ғидан аланга олдирилган машъ-алани кўтарган йигит ва қиз майдонга кириб келади.

«Универсиада — 2013» рес-публика спорт ўйинлари машъ-аласи порлай бошлади. Машъ-алани дзюдо бўйича икки кар-ра жахон чемпиони, Пекин ва Лондон Олимпиадалари сов-риндори, «Универсиада — 2010» голиби Ришод Собиров ва ба-дий гимнастика бўйича Осиё чемпиони, Зулфия номидаги Давлат муқофоти лауреати Хус-нибону Фуломова ёқди.

Бу аланга ёшларимизнинг беғубор интилишлари, Ўзбеки-стон халқининг озодлик ва ис-тиқлол гоғларига содиқлиги рамзи сифатида олий ўқув юр-тлири талабаларининг «Универ-сиада — 2013» мусобақалари давомида порлаб туради.

Халқаро спорт мутахассисла-ри томонидан «Кичик Олимпиа-да» деб эътироф этилган уч бос-қичли улдузсиз спорт тизими мусобақалари Олимпия ўйинла-ри қоида ва талаблари асоси-да ўтказилди. Универсиада му-собақалари бу йил ҳам 12 спорт тури — баскетбол, волейбол, кураш, белбоғли кураш, дзю-до, енгил атлетика, теннис, стол теннис, футбол, гандбол, шах-мат ва сузмиш бўйича ташкил этилмоқда. Унда мамлақати-мизнинг барча ҳудудидан ўтган кўп босқичли саралаш мусоба-қаларида голиб чиққан йигит-ликлардан таркиб толган 14 терма жамоа қатнашмоқда. Қувонарлиси, уларнинг акса-рияти спорт билан мунтазам шуғулланиб, «Умид ниҳоллари» ва «Баркамол авлод» спорт ўйинларида тажриба ва маҳо-ратини оширган ёшлардир.

Шаҳар қишлоқлар кўёфаси-

ни тубдан ўзгартириш, аҳоли-нинг ҳаёт даражасини юксал-тириш борасида амалга оши-рилаётган кенг кўламли исло-хотлар Бухоро вилоятида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан 2010 йилда барпо этил-ган «Бухоро маданий маркази» шаҳарга ташриф буюрган ме-хмонларнинг зебраторгоҳига ай-ланди. 107 гектарлик бу сўлим масканда вилоят мусикали дра-ма театрининг янги муҳташам биноси, амфитеатр ҳамда «Кў-ҳна ва боқий Бухоро» монумент кад ростлаган. Мазкур оби-даннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда оила муқаддас, инсон ҳақида ўзидан эзгу ном қолдириши керак, деган чуқур фалсафий гоғ мўжассам. Мо-нумент ёшларни улар қандай буюк зотларнинг авлоди экани-ни теран англашга, ота-бобо-ларимизга муносиб фарзанд бўлишга ундаши билан ҳам аҳамиятлидир.

Вилоятда Универсиадага кат-та тайёргарлик қўрилди. Улкан бунёдкорлик ва ободонлашти-риш ишлари амалга оширилди. Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросими ўтказилган «Бухоро» спорт мажмуаси қайта таъмирланди, мажмуа стади-онига жахон талабларига жавоб берадиган йирик ҳажмли элек-трон табло ва замонавий ёрит-гичлар ўрнатилди, трибуна ўрин-диқлари ва югуриш йўлақлари қопламалари янгиланди.

Бухоро давлат университетини ҳамда Мухандислик-технология институтини янги замонавий спорт зали қуриди. У ердаги футбол, волейбол, баскетбол ва гандбол майдонлари капитал таъмирдан чиқарилиб, ўзига хос спорт маркази барпо этил-ди. «Дилқушо» теннис кортлари, «Семурғ» ва «Ҳумо» спорт маж-муалари, Бухоро олимпия за-

хиралари ҳамда Нефть-газ кол-лежлари спорт заллари ҳам тўла таъмирланиб, зарур спорт ин-ვენтарлари билан жиҳозланди.

Шаҳар кўчалари ва хиёбон-лари ободонлаштирилди. Мусо-бақа иштирокчилари ва меҳ-монлари яшайдиган талабалар турар жойлари ва меҳмонона-ларда барча зарур шароит яра-тилди. Бухоро халқаро аэропор-ти ва темир йўл вокзалида кенг кўламли ободонлаштириш, қў-қаламзорлаштириш ва таъмир-лаш ишлари амалга оширилди.

...Стадионга ёш спортчилар, рақосалар, таниқли эстрада хонандалари кириб келади. Ранго-ранг безаклар, турфа чи-роқлар байрамга ўзгача файз ва тароват бахш этади. Май-дон узара тараляётган шўх му-сика ёшларни рақсга қолрай-ди, тантанавор руҳ қалбларга кўчади. Ёшлик ва спорт, гўзал-лик ва эзгулик байрами бош-ланади.

«Универсиада — 2013» бел-лашувларининг финал босқичи қатнашчилари учун қизикarli ва кўнглинчар тадбирларга бой катта маданий дастур ҳам тай-ёрланган. Унда таниқли спортчи-лар, ёзувчи ва шоирлар, санъат намояндалари билан уч-рашувлар, қадимий шаҳарнинг диққатга сазовор жойларига са-ёҳатлар, турли шоу-концертлар ўтказиш кўзда тутилган.

«Универсиада — 2013» спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросими катта концерт дастури билан якунланди.

Спорт байрамининг очилиш маросимида Ўзбекистон Рес-публикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Зоҳир ТОПҚЎЖАЕВ,
Эркин ЁДГОРОВ,
ЎЗА махсус мухбири

Юзма-юз мулоқотлар

сайловчиларнинг сиёсий онги ва тафаккури юксалиб бораётганини кўрсатди

Давом. Бош 1-бета

Маълумки, Юртбошимизнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номи маърузасида парламент кенг қамровли ислохотларнинг ҳал қилувчи кучига айланиши лозимлиги таъкидланиб, депутатларнинг ўз сайлов округидаги тизимли фаолиятини яхшилаш борасида зарур тавсиялар берилган эди. Ушбу дастурий маъруза асосида ҳар йили Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари юзасидан дастури қабул қилиниб, шу асосда парламентнинг тизимли фаолияти олиб борилмоқда.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» эса парламент фаолиятида бутунлай янги bosқични бошлаб берди, албатта. Мазкур муҳим ҳужжатда жамиятни демократлаштириш ва модернизация қилишни изчил давом эттириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир қонунчилик асосларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлаш жоиз.

Ушбу, ана шундай муҳим жараёнда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзолари қай даражада фаоллик кўрсатаётган? Концепцияда белгилаб берилган вазифалар талаб даражасида ижро этилаётми? Ана шундай саволлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламентининг 68-моддасига мувофиқ ўтказилган сайловчилар билан учрашувларда асосий мавзуга айланди десак, мувофиқ бўлмайди.

Шу ўринда учрашувлар давомида амалдаги қонунларни такомиллаштиришга оид 100 га яқин тақлифлар келиб тушдики, бу сайловчиларнинг депутатлар фаолиятига нисбатан муносабатлари кескин ўзгарганини, сайловчиларнинг сиёсий етуқлик даражаси ҳамда ҳуқуқий маданияти ошиб бораётганини намойиш этди. Шу ўринда сайловчиларнинг у ёки бу масалани қамраб олган мурожаатларида кўтарилган масалаларнинг аксарияти жойларнинг ўзида ҳал этилганини таъкидлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, «Адолат» СДП фракцияси раҳбари **Собир Турсунов**нинг Қарши шаҳрида сайловчилар билан учрашувлари қизгин тарзда ўтди. У юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, парламент томонидан ишлаб чиқилаётган янги қонун лойиҳалари хусусида фикр-мулоҳаза юритди. Нотиқ «Адолат» СДПнинг ўз иш фаолиятига янги тамойиллар билан ёндашадигани, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш борасида олиб бораётган кенг қамровли ишлар ҳақида ҳам йиғилганларга тушунтириш берди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, нотиқ жамиятда аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оила-ривож ижтимоий-маиший шароитларини янада яхшилашга қўмақлаш, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг мамлакатимиз келажигини яратиб йўлидаги изланишлари, тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини мунтазам кенгайтириш ҳамда рағбатлантириш бориш чораларидир ҳақида батафсил гапирди.

Қарши муҳандислик-иқтисодий институтига ўтказилган учрашувда сайловчиларнинг фаоллиги яққол кўзга ташланди. Иштирокчилар фуқаролик мунтазам кенгайтириш ҳамда «электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқ ва ошқоралигини таъминлаш ҳақида муайян кўникмага эга бўлдилар.

Учрашувларда 2013 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ижроси, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ўз муваффақиятига мувофиқлаштириш билан таъминлаш борасидаги ишлар ҳам муҳокама қилинди.

37-Хатирчи сайлов округидан Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, партия Сиёсий Кенгаши раисининг ўринбосари **Абдуқамол Раҳмонов** тумандаги ўттиздан ортқ хорхона, ташкилот ва муассасалар, қишлоқ ва маҳалларда учрашувлар ўтказди. Унда сайловчилар фикр-мулоҳазаларига кенг ўрин берилди.

Қонунчилик палатаси депутати

тининг мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, шифо масканлари, солиқ, молия ва ҳуқуқ-тартибот идоралари, маҳаллалардаги барча учрашувлари самимий, жонли мулоқот ҳамда ўзаро фикр алмашувлар тарзида ўтди. Уларда сайловчиларга мамлакатимизда бевосита Президент раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг ҳаётбахш самаралари, Қонунчилик палатаси фаолияти, янгидан қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти, давлат ва жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрни хусусида атрафлича сўзлади.

Учрашувларда сайловчилар томонидан мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётига дахлдор тақлифлар ҳам билдирилди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг хоржиғи тилларни ўрганиш борасидаги қарори ота-оналарни қувонтирганлиги, лекин ҳозирча қишлоқ мактабларида бундай мутахассислар етишмаслиги таъкидланиб, мамлакатимиздаги педагогика олий таълим муассасаларида қишлоқ мактаблари учун хоржиғи тиллар ўқитувчиларини тайёрлашда квота ажратилиши таъкид қилинди. Бундан ташқари, яқна тартибдаги тадбиркорлар учун солиқ ставкаларини белгилашни вилоят ҳокимликлари ваколатига ўтказиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Негаки, бугунги ҳолатда туман марказидаги ҳамда энг чекка ҳудудларда тадбиркорлар учун бир хил солиқ ставкаси белгиланган бўлиб, бу тадбиркорларнинг даромадларини яшириш, солиқдан қочишига олиб келмоқда. Депутат сайловчиларига барча тақлифлар қонун доирасида тегишли тартибда кўриб чиқишлигини маълум қилди.

Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ ва Пискент туманларида депутат **Исмоил Саифназаров** ўтказган учрашувларда парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти, қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти, муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари тўғрисида, ўзи аъзо бўлган қўмита ва Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси фаолияти ҳақида ҳамда аввалги учрашувларда сайловчилар томонидан билдирилган тақлифлар юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича батафсил маълумот берди.

Депутатнинг учрашув тадбир-

ларида Юртбошимизнинг «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонлари ижроси назорат қилинди. Кенг жамоатчилик иштирокидаги учрашув тадбирларида бу масалалар атрафлича муҳокама қилинди.

Учрашувлар давомида фуқаролар қабуллари ҳам ташкил этилди. Сайловчилардан тушган мурожаатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилди. Шикоятларни келтириб чиқарган сабабларни ҳал этиш чора-тадбирлари кўрилиб, жойларда ҳал бўладиган масалалар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўрганилди.

Наманган вилоятида фракция аъзолари **Ойша Ахунова** ҳамда **Анвар Сулаймонов**лар томонидан ташкил этилган учрашув тадбирлари сермазмун бўлди.

Тадбирларнинг жонли мулоқот тарзида ташкил этилгани, сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволлари билан бирга фикр-мулоҳазалар билан ҳам фаол иштирок этишини таъминлади. Бу галги учрашувларнинг аввалгиларидан анчагина фарқи борлиғи сайловчиларнинг парламентда қабул қилинаётган қонунлар ҳақида маълумотларга эга эканликлариди, учрашувларда қонун ҳужжатлари ҳақида фикр-мулоҳазалар, тақлифлар қўлаб билдирилганида намойён бўлди.

— Қарийб ўн йилдан бери «Адолат» олиб бораётган ишлар билан қизиқиб келаман, — дейди меҳнат фахрийси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибига Собитхон Қамбаралиев — Оиламиз аъзолари билан биргаликда сайловларда шу партия номзодлари учун овоз бериб келамиз. Менга «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун жуда маъқул тушди. Чунки мазкур ҳужжатда парламентда сиёсий партияларнинг янада фаол иш юритишлари учун шарт-шароитлар яратилиши кўрсатилган. Уйлайманки, «Адолат» фракцияси аъзолари бундан унумли фойдаланадилар ва шу орқали партиянинг нуфузи ва мавқени янада оширадилар.

Депутатларнинг вилоятлардаги сермазмун мулоқотлар, савол-жавоблар остида кечган ҳар битта учрашув мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишлари ва ундан келиб чиқадиган вазифаларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб этишга ҳамда юртдошларимизда кучли фуқаролик позициясини мустаҳкамлашга ҳизмат қилиши шубҳасиз.

Тошкент вилоятида учрашув тадбирларини ташкил этган фракция аъзолари **Алишер Ақромов** ҳамда **Камола Хамидов**ларнинг учрашувларида асосий эътибор мамлакатимиз Президентининг Хотира ва қадрлар кўнига бағишланган тадбирда журналистларга берган интервьюсида илгари сурилган фикрларнинг мазмун-моҳиятини сайловчиларга етказиш масалаларига қаратилди.

— Юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақиятли амалга ошаётгани аҳоли турмуш фаровонлиги юксалишида ўз ифодасини топомқда, — деди К.Хамидова. — Қўлга киритилаётган бундай ютуқ ва марраларимиз замирида юртимиздаги тинч ва осуда ҳаёт, миллатлараро тотувлик ва ҳамжихатлик ётади.

Ана шундай конструктив руҳда кечган учрашув тадбирларини фракция аъзоси **Раъно Гаимовани** Сурхондарё вилоятида ўтказган тадбирларида ҳам қўриш мумкин.

Жарқўрган туманида кенг жамоатчилик ўртасида ташкил этилган тадбирларда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим муассасаларини замонавий ўқув ҳижозлари ва компьютер технологиялари билан таъминлаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш масалалари учрашувлар давомида кенг таҳлил қилинди.

Хоразмда фракция аъзоси **Умид Жуманиёзов**нинг учрашув тадбирларида Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси асосида қабул қилинган ва муҳокама этилаётган ислохотларга ва кўнун ҳужжатларига киритилаётган ўзгаришларга уларнинг таъминлаш шароитлари, кадрлар захирасини шакллантириш билан боғлиқ масалалар танқидий-таҳлилий ўрганилди. Ўрганиш жараёнида учраган камчиликларни бартараф этишга ҳизмат қилувчи тақлиф ва тавсиялар берилди.

Биринчи талаба ёхуд олтмиш саккиз ёшли спортчи

«Адолат»нинг адолатли аёллари

— Ҳар гал ёшларимизнинг халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларида эришган бири-бирдан ажойиб ютуқлари, ғалабалари шарафига мадҳиямиз янграб, байроғимиз балан кўтарилганда, юртдошларим қатори менинг ҳам қалбим чексиз ғурур ва ифтихорга тўлади, — дейди Қорақалпоқ давлат университети ўқитувчиси, волейболчи аёллар жамоаси мураббийи, Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоси **Абадан ИСМАЙЛОВА**. — Бундай ҳаяжонли лаҳзаларнинг аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Ватанимиз шон-шўхратини дунёга ёйишга, миллатимиз салоҳиятини янада кенгроқ намойён этишга хизмат қилаётган ушбу муваффақиятлар Юртбошимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати даражасидаги эътиборнинг амалдаги самараларидир.

Аёл зоти борки, асосий вақтинини оиладаги, ишдаги юмушлари, фарзандларига бағишлайди. Фақат аёл турли турмуш таъшишларига ўралашиб қолмаслиги учун ўзи ҳақида қайғуришни ўрганиши керак. Соғлиқ нуқтаи назаридан айтадиган бўлсак, спорт — шифоналар, жарроҳлар, дори-дармонларсиз соғлом ҳаёт дегани. Спорт билан шуғулланган аёл жисмонан чинкиш билан бирга руҳан юксалиди, унда ўз иқтидорларига нисбатан ишонч туйғуси шаклланади. Юртимизда аёл-

лар спортни омаллаштириш масаласи устувор аҳамият касб этаётганининг боиси ҳам шунда.

Ҳаётимни спортсиз тасаввур эта олмаيمان. Соғлом, тетик юрганнинг ҳам сабаби шу. Шунинг учун ҳам мен оила юмушлари, фарзандлар тарбиясидан ортиб, спорт билан мунтазам шуғулланганга ҳаммиса вақт ажрата олганман. Шундай бўлмаганда 68 ёшимда ҳам спорт майдонида юрмаган бўлар эдим. Энг муҳими, инсонда қизиқиш, интилиш бўлса, у

ўз олдига қўйган мақсадларига албатта эришар экан.

Узим 1997 йилдан буён Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг профессор-ўқитувчиларидан таркиб топган волейболчи аёллар жамоасининг сардориман. Жамоамиз республика миқёсидаги спорт мусобақаларида ва аёллар спартакиадаларида олдинги ўринларни эгаллаб келмоқда. Бу ёшда сардорлик сизга оғирлик қилмаётми, деб сўрашди. Йўқ, деб жавоб бераман. Чунки мақсадим ёшларни доимий спорт машғулотларига жалб қилиш, ўрناق бўлиш, спортнинг кучини кўрсатиш.

1963 йилда мактабни битириб, Тошкент давлат жисмоний тарбия институтига ўқишга кирганимда, ўзимнинг ушбу олий-гоҳга қадам қўйган биринчи қорақалпоқ қизи эканлигини билганман. Ушанда бир кун келиб қорақалпоқ аёллари ўртасида спорт омаллаштирилиши, бунда ўзимнинг ҳиссам ҳам бўлишини ич-ичимдан истаганман. Бу мақсад йўлида ўз устимда тинимсиз ишладим, астойдил ҳаракат қилдим.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, бунинг барчаси кўз ўнгимда мўъжиза сингари амалга ошди. Аёллар спортига эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Давлат идоралари қаторида нодавлат ташкилотлар ҳам бу хайрли ишдан четда қолишмади. Шу жараёнда мамлакатимизда фаолият юритаётган тўрттала сиёсий партия фаолиятини кўзатиш, уларнинг дастурлари билан танишиб чиқ-

дим. Натижада ҳаётий қарашларим «Адолат» социал-демократик партияси илгари сураётган ғоя ва мақсадларга мослигини англадим.

Аъзолари сонининг деярли ярмини аёллар ташкил қиладиган Ўзбекистон «Адолат» СДП аёлларга бағишланган тадбирларида келажак авлодни ҳар томонлама етув ва баркамол қилиб вояга етказишда оилада соғлом турмуш тарзини, мўътадил маънавий муҳитни шакллантириш, миллатимизга хос бўлган нозик жиҳатларни, маънавиятимизни, маданиятимизни, ўзига хослиқни, бағрикенглик, адолатчилик, холислик, инсонийлик, фидойчилик ва жасоратчиликни, ажодларимиз меърасига, Ватанга содиқликни ёшлар оғинга чуқур сингдириш кабилар бугунги кундаги долзарб вазифа эканлиги алоҳида эътироф этилмоқда. Шунингдек, партия хотин-қизларнинг жамиятда катта қўнға, салоҳиятга эга эканликларини англагани ҳолда уларга таяниб, гендер йўналишидаги муаммоларни ҳал этиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари орқали хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси, оналик ва болалиқни, репродуктив саломатлиқни муҳофазаси қилиш масалаларига оид амалдаги мейврий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, қонунларнинг ижросини таъминлаш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик, касаначилик, уй-рўзгор юмушларидан, фарзандлар тарбиясидан ажралмаган ҳолда чорвачилик ва мева-саб-



завотчилик билан шуғулланиб, ўз оиласи бюджетига даромад келтиришни хоҳлайдиган аёлларга йўл-йўриқ кўрсатиш, улар учун ҳуқуқий ва иқтисодий маънавиятда маслаҳатлар, қўмақ беришни ташкил қилиш борасида жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа муассасаларда ташкилот ва идоралар вакиллари билан ҳамкорликда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда самардорлигини оширишга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқда.

Шу боис иккиланмай ўзимнинг сиёсий фаолиятини ушбу партия орқали амалга оширишни ният қилдим. 2010 йилдан буён мазкур партиянинг аъзосиман. Партия билан ҳамкорликда университетда талабаларни доимий спорт машғулотларига жалб қилиш мақсадида Мустақиллик, Конституция қабул қилинган кун, 14 январь — Ватан ҳимоячилари кўни, Устоз ва

мураббийлар кўни, 8 март — Халқаро хотин-қизлар кўни, Наврўз байрами, 9 май — Хотин ва қадрлар кўни муносабатлари билан спорт мусобақалари мунтазам ўтказилиб келинаётгани «Адолат»чиларнинг борада ҳам фаолликларини яна бир қарра исботлайди. Бу эса, мамлакатимизда ҳеч бир давлатда ўхшаши йўқ Юртбошимиз таъаббуси билан ташкил этилган уч босқичли кичик олимпиаданинг учинчи босқичи — Универсиада ўйинларида талабаларимизнинг муносиб иштирок этишларида ҳам хизмат қилмоқда.

Албатта, талабаларни спортга жалб қилиш фақат жисмоний тарбия фани ўқитувчиларининг вазифасига қирмайди. Авваламбор, гап соғлом авлод тарбияси ҳақида кетаяпти. Буни ҳозирги пайтда нафақат шаҳарларда, балки чекка ҳудудларда ҳам энг замонавий шарт-шароитларга эга спорт иншоотлари қад ростлаб, ўз бағрига мингмилаб ёшларни қамраб олаётганидан ҳам билиш мумкин.

қабул қилинган ва муҳокама этилаётган қонунлар мазмун-моҳияти хусусида аҳолига кенг тушунчалар берилди. «Электрон ҳукумат»ни шакллантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, унинг афзалликларини, партиянинг ушбу йўналишдаги ташаббуслари тўғрисида ахборот берди.

Жизза вилоятида фракция аъзоси **Тўлқин Абдусатторов** жамоатчилик билан ўтказилган учрашувларидаги кўтарилган тақлифлар, сайловчиларнинг ўзларини йўлантираётган масалалар юзасидан ўртага дадил савол қўётганликлари фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётгани, амалга оширилаётган ислохотларга ва кўнун ҳужжатларига киритилаётган ўзгаришларга уларнинг бефарқ эмасликларини ҳам кўрсатди.

Депутат жойларда «Обод турмуш йили» Давлат дастури бўйича амалга оширилаётган ишларни ўрганиб, ҳокимлик ва мутасадди ташкилотлар иштирокида муҳокама этишди. Йўл қўйилаётган камчиликлар ва муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берди.

Шунингдек, учрашув тадбирлари доирасида жойлардаги Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг худудий Кенгашлари фаолияти ҳам чуқур таҳлил этилди. Уларнинг Давлат дастурига ижросидаги партия мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишдаги иштироклари, кадрлар захирасини шакллантириш билан боғлиқ масалалар танқидий-таҳлилий ўрганилди. Ўрганиш жараёнида учраган камчиликларни бартараф этишга хизмат қилувчи тақлиф ва тавсиялар берилди.

Бир сўз билан айтганда, фракция аъзолари бугунги глобаллашув даврида мамлакатимизда кенаяётган туб ўзгаришларни оддий сайловчига етказиш, уларни давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини янада фаоллаштиришга ҳаракат қилаётганлар. Юзма-юз мулоқотлар эса сайловчиларнинг онги ва тафаккури юксалиб бораётганини кўрсатди. Бу эса депутатларнинг сайловчилар олдидаги масъулиятини янада ошириши баробарида уларнинг қуйи палатадаги фаолиятини такомиллаштириш лозимлигини ҳам англади, албатта.

Ф.ЭСОНОВ ёзиб олди.

Эзгу ишга бел боғлаб...

Хайрия тадбири

Мамлакатимизда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган “Ҳар бир болага меҳр, эътибор!” махсус ҳафталиги доирасида Қибрай туманидаги Психофизик ривожланиши бузилган болалар учун ихтисослаштирилган болалар уйида Тошкент вилояти ҳокимияти ва Ўзбекистон «Адолат» СДП билан ҳамкорликда хайрия тадбири ўтказилди.

Унда Ўзбекистон «Адолат» СДП Марказий Кенгаши, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, ҳомийлар ва партия фаоллари иштирок этди.

— Халқимиз азалдан болажон бўлиб келган, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси «Адолат» СДП фракцияси депутати Камола Ҳамидова. — Шундан бўлса керак, бежизга кўпни кўрган мўйсафидларимиз «Бир болага етти маҳалла ота-она», деб айтишмаган. Давлатимизда ҳар бир болага алоҳида қаратилган эътибор ва парвариш тўғрисидаги қонунчиликларимиз баркамол бўлиб вояга етмоқда. Бу гам-хўрликдан меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ва имконияти чекланган болалар ҳам бирдай баҳраманд бўлишмоқда.

Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаш фақат миллий эҳтиёжгина эмас, балки умумдавлат аҳамиятига молик масала, кўп миллатли

Ватанимизда туғилиб ўсган халқлар учун бирдай эзгу муҳаббат маънаси — XXI аср одамини шакллантиришда барчамиз биргаликда масъулмиз.

Хайрия тадбири байрамона тус олди. Ихтисослаштирилган болалар уйи тарбияланувчилари ўзларининг сахна кўринишлари, шёър ва куй-кўшиқларини тадбир иштирокчиларига тақдим этишди. Шунингдек, болалар уйи тарбиячилари ҳам спорт ўйинларида беллашиб, масҳарабозлар болаларни кўлдирди, хушқайфият ва қувонч улаштирди.

— Фарзандларимизга қаратилган бундай гам-хўрликдан ҳаммамиз бирдек мамнунмиз, — деди Тошкент вилояти Психофизик ривожланиши бузилган болалар учун ихтисослаштирилган болалар



уи бош шифокори Феруза Умарова. — Бугунги кунда болалар уйида 7 ёшгача бўлган 60 нафар бола парваришланмоқда. Тарбиячиларимиз болаларнинг меҳрга ташна қалбларига оналик муҳаббати ва масъулияти билан назар солишади. Уларнинг ҳолидан тун-у кун хабар олиб туришди ва гам-хўрлик кўрсатишди. Албатта, болаларнинг беғонаси бўлмагани каби тарбиячиларимиз барча болаларга ўз фарзандлари каби қарашди. Тарбияланувчилар ҳаётда ўз ўринларини топиши, жамиятнинг бир бўлаги сифатида яшашлари учун ҳукуратимиз томонидан замонавий ётоқхоналардан тортиб спорт май-

дончаларигача барча шарт-шароитлар яратилган.

Ўзбекистон «Адолат» СДП фаоллари, депутатлар нафақат байрам кунлари, балки доимий равишда тарбияланувчиларимизни ҳолидан хабар олиб туришдан миннатдормиз.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Моҳира Ходжаева ва Тошкент вилояти ижтимоий-иқтисодий комплекс масалалари бўйича ҳоким ўринбосари Жаҳонгир Носиров ҳар бир бола давлат ва жамият эътибори, кўмагидан фойдаланишга, унга суяниши ва жамиятнинг аъзоси сифатида яшашга ҳақли экани ҳамда бу дав-

латимиз миқёсида амалга оширилган кенг ижтимоий ҳимоя дастури асосида қўллаб-қувватланиши ва ушбу ишда партия фаоллари пойтахтимизнинг барча туманларида ўтказилаётган байрам тадбирларида ҳам фаол иштирок этаётганини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда Тошкент вилояти ҳокимияти, партия фаоллари, депутат ва ҳомийлар томонидан болалар уйи тарбияланувчиларига совғалар топширилди.

Феруз Жўраев, «Адолат» мухбири. Муаллиф олган сурат

Партия дастури доирасида

Мамлакатимизда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб ўтказилаётган “Ҳар бир болага меҳр, эътибор!” махсус ҳафталиги доирасида Фурқат номидаги маданият ва истироҳат боғида “Обод турмуш йили” Давлат дастури ижроси юзасидан “Суннат тўйи” хайрия тадбири ўтказилди.

Беғубор ва завқли олам байрами

Миробод тумани ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон «Адолат» СДП Миробод туман кенгаши ҳамкорликда ўтказган тадбир доирасида пойтахтимиз маҳаллаларида истиқомат қилаётган алоҳида эҳтиёжли, кам таъминланган оилалар фарзандлари, махсус мактаб-интернатлар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларидан 13 нафарининг суннат тўйи ўтказилди.

Миробод тумани ҳокими ўринбосари А.Юсупов, ҳокимиятнинг ташкилий бўлими бошлиги М.Раҳимбердиева, Ўзбекистон «Адолат» СДП Миробод туман кенгаши раиси Т.Матиев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида амалга

вий-маърифий соҳалардаги эзгу сай-ҳаракатлар давр руҳига уйғун ташкил этилаётди.

Бу жиҳатлар мамлакатимизда ўтказилаётган “Ҳар бир болага меҳр, эътибор!” махсус ҳафталиги доирасидаги тадбирларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Ҳафталик мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоят ва Тошкент шаҳридаги маҳаллаларда, ак-боборот-ресурс марказларида, меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар, мактаб-гача таълим муассасалари, ихтисослаштирилган табибёт масканларида ижтимоий акциялар, хайрия тадбирлари, концертлар, фестиваллар бўлиб ўтмоқда.



Инклюзив таълим

уни жорий этиш натижасида имконияти чекланган инсонларга умумий муносабат ўзгармоқда

Депутат минбари

Биз ҳамиша халқимизга хос бўлган бағрикенглик, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик каби фазилатлар билан фахрланамиз. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган, эзгуликка йўғрилган урф-одатлар ва анъаналаримиз бардамоллигини таъминлашга ҳисса қўшишга ҳаракат қиламиз. Айниқса, ижтимоий имкониятлари чекланган кишиларга ёрдам қўлини чўзиш, уларни ҳар томонлама — ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаш барчамизнинг инсоний бурчимиз ҳисобланади.

Шу ўринда, ҳар бир жамиятнинг адолатлилик даражаси но-гиронларга ва имконияти чекланган инсонларга, хусусан, болаларга бўлган муносабатлар тизими билан белгиланишини таъкидлаш жоиз.

БМТ маълумотларига кўра, дунёда тахминан 450 миллиондан зиёд руҳий ва жисмоний нуқсонли киши яшайди. Бундай рақам шубҳасиз ҳар бир ақли расо инсонни ташвишга солиши мумкин.

Демак, жамиятда ноғиронлар ва уларга тенглаштирилган кишиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг беғул таълим олишига эришиш адолатли жамиятга хос фазилат. Дунё тажрибасида болаларни камситишнинг ҳар қандай кўриниши олдинда олишга ҳизмат қилувчи инклюзив таълим тизими мавжудлиги ҳам халқро ҳамжамират руҳий ва жисмоний камчилик билан турилган болаларга нисбатан бефарқ эмаслигини кўрсатади. Инклюзив таълим тизими ўз ичига бошланғич, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларини қамраб олади. Унинг мақсади — имконияти чекланган одамларга таълим олиш ва касбий тайёргарлик кўриш учун тўлиқ ҳимоят яратишдир.

«Таълим шахсининг тўлиқ ривожланишига ва инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига бўлган ҳурматнинг юксалтирилишига қаратилган бўлиши лозим», дейилади БМТ томонидан 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 26-моддасида. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги

Конвенцияга мувофиқ иштирокчи — давлатлар халқро ҳамкорлик руҳида профилактик соғлиқни сақлаш ҳамда норасо болаларни тиббий, психологик ва функционал даволаш соҳасидаги, шунингдек, реабилитация услублари, умумтаълим ва касбий таълим борасидаги тегишли ахборот-маълумотлар алмашинуви ва ундан қулай фойдаланиш учун шароит яратишлари керак.

Ўзбекистон Республикасининг миллий қончилиги ҳамда таълим соҳасидаги сиёсат халқро андозаларга ва юқорида номи тилга олинган ҳуқуқий ҳужжатларга тўлиқ жавоб беради. Олайлик, 2008 йилда қабул қилинган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларида ҳам ҳар бир боланинг таълимга бўлган ҳуқуқларини кафолатлаш борасидаги мамлакатимизнинг аниқ ёндашуви ифодаланган. Хусусан, қонуннинг 23, 25, 29-моддаларида ҳар бир боланинг билим олиш ҳақида бўлган ҳуқуқларини кафолатлаш борасидаги мамлакатимизнинг аниқ ёндашуви ифодаланган. Хусусан, қонуннинг 23, 25, 29-моддаларида ҳар бир боланинг билим олиш ҳақида бўлган ҳуқуқларини кафолатлаш борасидаги мамлакатимизнинг аниқ ёндашуви ифодаланган.

«Ўзбекистон Республикасида ноғиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги қонуннинг маъносида таълим олиш ва касбий тайёргарлик кафолатлари бағишланган. Хўш, «ноғирон», «имконияти чекланган» деганда биз қандай болалар тоифасини тушунамиз? «Ўзбекистон Республикасида ноғиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги қонуннинг маъносида таълим олиш ва касбий тайёргарлик кафолатлари бағишланган. Хўш, «ноғирон», «имконияти чекланган» деганда биз қандай болалар тоифасини тушунамиз? «Ўзбекистон Республикасида ноғиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги қонуннинг маъносида таълим олиш ва касбий тайёргарлик кафолатлари бағишланган.



моёга муҳтож болаларнинг белгиланган таълим стандартлари ва талаблари даражасида билим олишларини кафолатловчи зарур маблағлар ажратиши ҳамда бошқа чоралар кўриши кафолатланган.

Бундан ташқари, жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ва ноғирон болалар улар учун махсус ишлаб чиқилган таълим дастурлари бўйича таълим муассасаларида ўқиш ва тарбияланиш ҳамда ўз жисмоний, ақлий қобилиятлари ва хоҳишларига мос бўлган таълим олиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган.

«Ўзбекистон Республикасида ноғиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги қонуннинг маъносида таълим олиш ва касбий тайёргарлик кафолатлари бағишланган.

Хўш, «ноғирон», «имконияти чекланган» деганда биз қандай болалар тоифасини тушунамиз? «Ўзбекистон Республикасида ноғиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги қонуннинг маъносида таълим олиш ва касбий тайёргарлик кафолатлари бағишланган. Хўш, «ноғирон», «имконияти чекланган» деганда биз қандай болалар тоифасини тушунамиз? «Ўзбекистон Республикасида ноғиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги қонуннинг маъносида таълим олиш ва касбий тайёргарлик кафолатлари бағишланган.

билитини тўлиқ ёки қисман йўқотганлиги билан белгиланади. Шундай тоифадаги болаларга гам-хўрлик қилиш, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишлари, турмушга мослашишлари ва ёрдам бериш ҳар бир инсоннинг бурчи бўлиши керак.

«Ўзбекистонда инклюзив таълим» лойиҳаси доирасида Инклюзив таълим миллий модели концепцияси ишлаб чиқилган. 2010 йилдан буён Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан ҳамкорликда ушбу моделни бошқариш (болалар боғчалари ва мактаблар) ҳамда ўрта-махсус таълим (лицей ва коллежлар) тизимига босқичма-босқич жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда. Лойиҳа бутун мамлакатимиз бўйлаб имконияти чекланган болаларнинг узлуксиз таълим олишини таъминлаш ва инклюзив таълим сил-фатини ошириш мақсадини кўзлаган. Андижон вилояти махсус интеграциялашган таълим тизими бўйича катта тажрибага эга бўлган худуд ҳисобланади. Бу вилоятнинг 2 миң нафар имконияти чекланган болалари умумтаълим мактаблари соғлом тенгдошлари орасида таълим олаётгани ҳам юртимизда ўтказилаётган ислохотлар инсон учун, унинг манфаатлари учун амалга оширилатганининг яна бир тасдиғидир.

Инклюзив таълимни болалар боғчалари ва мактабларга жорий этиш натижасида имкони-

яти чекланган инсонларга умумий муносабат ўзгараётгани маълум бўлди. Бу эса уларнинг ҳаётда муваффақият қозониши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Инклюзив таълим имконияти чекланган болаларга умумтаълим жараёнидаги барча тадбирларда фаол ва мунтазам иштирок этиш имконини беради. Бундай индивидуал ёрдам имконияти чекланган болаларни жамиятдан ажратиб қўймайди. Имконияти чекланган инсонлар учун ишлаб чиқилган ва жамиятга режали асосда жорий этилаётган инклюзив таълим стратегияси ўқининг узлуксизлиги ва давомийлигини таъминлайди. Болалар боғчаси — мактаб — касб-хунар коллежи — иш билан таъминлаш — ушбу тизим келажақда ота-оналарга имконияти чекланган болаларини умумтаълим муассасалари ва олий ўқув юртига бемалол, хавотирсиз олиб келишлари учун замин яратаяди.

Албатта, Ўзбекистон «Адолат» СДП кучли ижтимоий сиёсати қўллаб-қувватлаш орқали бундай давлат дастурлари ва лойиҳаларини бажаришда фаол иштирок этади. Хусусан, ижтимоий ҳимояга йўналтирилган лойиҳалар партияимиз дастуридан ўрин олган. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси сифатли ва беғул таълим олиш, яъни ҳақ тўланадиган муносиб иш топиш, яъни мутахассис бўлиш ва истаган пайтида ўз ишини ташкил этиш имконига эга бўлиши лозим деган гоёларнинг рўёбга чиқишини осонлаштиради. Шу нуқтаи назардан, партия ва унинг парламентидаги фракцияси инклюзив таълим тизimini ва уни ривожлантириш ташаббусларини қўллаб-қувватлайди.

Мухтасар қилиб айтганда, инклюзив таълим, бу борада олиб борилаётган сай-ҳаракатлар жамиятимизда ўсиб келаётган ёш ав-однинг бир қисми бўлиши имконияти чекланган болаларнинг соғлиги, таълим-тарбияси масалаларига жиддий аҳамият берилаётганлигининг ёрқин далилидир.

Камола ҲАМИДОВА, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

оширилаётган, барча ислохотлар фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом, билимли, кучли ва албатта бахтли ҳаёт кечиршини таъминлашга йўналтирилганини таъкидлади. Бу борадаги ишлар кўлами Обод турмуш йилида янада кенгаймоқда. Оилаларга эътиборни янада кучайтириш, баркамол авлодни вояга етказиш, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, маъна-

Сўлим боғда ўтказилган хайрия тадбири доирасида болалар бадий жамоалари иштирокида концерт, интеллектуал викторина, асфальтга расм чизиш бўйича кўрик, “Биз — буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остидаги танлов, болалар расмлари кўргазмаси, спорт мусобақалари ташкил этилди.

Нилуфар ОЧИЛОВА

“Адолат” соврини учун

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Наманган вилоят Кенгаши соврини учун теннис мусобақалари ўтказилди. Унда турли ёш ва касбдаги ўттиз нафарга яқин ҳаваскор спортчилар беллашди. Улар орасида партияимиз вакилларининг ҳам борлиги қувонарли, албатта.

Дастлаб иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, ўзига хос саралаш босқичини ўтказдилар. Дастлабки бахслардаёқ Наманган шаҳридаги “Агро-маш” МЧЖ раиси Маҳмуджон Адашев ва 19-болалар-ўсмирлар спорт мактаби директори Адҳамжон Зиятовнинг маҳорати анча юқорилиги сезилди. Уларнинг ҳужумкор ўйин услубига рақиблари дош беролмади.

Ҳалиларга диплом ва турнирнинг совринлари топширилди. Партияимиз вакили — “Адолат” СДП вилоят Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи О.Мақсудов ҳам ярим финалгача етиб борди ва фахрли учинчи ўринни эгаллади.

— Мен мусобақани ташкил этган “Адолат”чилардан ниҳоятда миннатдорман, — деди Ғолиб Маҳмуджон Адашев. — Одатда ҳаваскор спортчилар учун мусобақалар кам ўтказилади. Бу каби беллашувлар эса спортни тарғиб қилишда муҳим аҳамиятга эга.

— Партияимизнинг Низоми ва дастурида баркамол авлод тарбияси, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш соҳаларидаги вазифаларимиз кенг



ёритилган, — дейди Ўзбекистон “Адолат” СДП Наманган вилоят Кенгаши раисининг ўринбосари Исроил Жўраев. — Маҳаллий партия ташкилотларимиз бу вазифаларни бажариш борасида изчил иш олиб бормоқдалар. Турли спорт мусобақаларига ҳомийлик қилмоқдалар, спорт беллашувлари уюштирмоқдалар. Шу орқали партия гоёлари ҳам кенг оммага таништирилмоқда ва тарғиб қилинмоқда.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП Наманган вилоят Кенгаши матбуот котиби

Хуқуқ

Касб танлашда

ўқувчиларнинг хоҳиш-истаклари инобатга олинмаяптими?

Таълим

Боланинг аввал умумтаълим мактабиди, кейинчалик эса касб-хунар коллежи ёки академик лицейда мажбурий равишда таълим олиши давлат сиёсати тамойилларидан биридир. Бепул умумий ўрта ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Шуниси эътиборга сазоворки, бундай ижтимоий-иқтисодий кафолат ривожланган давлатларнинг унча-мунчасида ҳам ўрнатилмаган.

2012 йил 17 февраль куни «Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт» мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан: «Юртимизда амалга оширилаётган моделнинг принципиал хусусияти аввало шундаки, умумтаълим мактабидидаги 9 йиллик ўқувчиларнинг кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда тахсил олиб, уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорига талаб қилинади» 2-3 та мутахассислик бўйича касб-хунарларни ҳам эгаллайди» деб, таъкидлаб ўтилди.

Мажбурий 12 йиллик таълим тамойилининг ҳуқуқий асосларини ташкил этиш мақсадида зарур қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база шакллантирилган. Амалга оширилаётган тадбирлар натижасида 9-синф битирувчиларнинг деярли 100 фоизи академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим олишга қамраб олинмоқда.

2013-2014 ўқув йилларида 9-синф битирувчиларнинг барчасини, яъни 533 минг битирувчини академик лицей ва касб-хунар коллежларида

ўқитиш билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш вазифаси қўйилган.

Шу билан бирга, адлия органлари томонидан тизимли равишда ўтказиладиган текширишлар давомида ушбу соҳадаги айрим камчиликлар аниқланмоқда.

Масалан, ўқувчиларни анкета сўровидан ўтказиш касбга йўналтириш бўйича тадбирларнинг таркибий қисмларидан биридир. Ушбу чора нафақат у ёки бу таълим йўналишига бўлган талабни аниқлашга, балки ўқувчиларнинг таълим олишни давом эттиришига ва асосий касб эгаси бўлишига қаратилган.

Бироқ ўрганишлар давомида айрим ҳудудларда ўқувчиларнинг хоҳиш-истакларини аниқлаш мақсадида сўровнома ўтказилмаганлиги аниқланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 июндаги 109-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус касб-хунар таълими марказининг ҳудудий бошқармалари касбга йўналтириш ишларини ташкил этишда умумтаълим мактабларининг 9-синф ўқувчиларини ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқишни давом эттириш билан боғлиқ хоҳиш-истакларини аниқлаш мақсадида сўровнома ўтказадилар.



Шунингдек, айрим ҳолларда 9-синф битирувчиларининг академик лицей ва коллежларда ўқитиш билан тўлиқ қамраб олиниши тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги текширилмаган, оқибатда битирувчиларнинг ўқитиш билан тўлиқ қамраб олиниши таъминлаш тўғрисидаги маълумотларнинг нотўғри шаклланишига олиб келган.

Юқориди санаб ўтилган камчиликларни бартараф этиш бўйича чоралар кўрилди. Хусусан, ваколатли таълим идораларига камчиликларни, уларнинг келиб чиқишига бўлган сабаб ва шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимномалар киритилди.

Шу билан бирга, ўрганиш давомида бир қатор коллеж ва академик лицейларда ўқувчиларнинг давомати пастиги ҳамда битирувчиларнинг иш билан тўлиқ таъминланмаганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзга келишининг асосий сабабларидан бири — ўқув муассасаларнинг раҳбарлари ва

ўқитувчиларининг, шунингдек, ўқувчиларнинг ота-оналари бу масалага жиддий ёндашмаганлигидир.

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг 30-моддасига мувофиқ ота-оналар болаларнинг ўрта махсус, касб-хунар таълими олишлари учун жавобгардирлар. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасида ота-оналарнинг болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаганликларини учун жавобгарлик белгиланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 июндаги 109-сонли қарорига асосан, мажбурий ўқишни давом эттириш учун битирувчиларга тўққизинчи қилаётган умумтаълим мактаблари раҳбарлари ва ўқитувчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари раҳбарлари, шунингдек, ўқувчиларнинг ота-оналари қонун ҳужжатла-

рига мувофиқ жавоб берадилар.

Бироқ мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълим соҳасида содир этилган қонунбузилишлар учун жавобгарликка тортиш энг сўнгги чора ҳисобланади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мажбурий 12 йиллик таълим олиш фуқароларнинг ўзига, биринчи навбатда ўқувчиларнинг манфаатларига хизмат қилади. Мажбурий умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълим ёшларга нафақат бепул касб-хунар, билим олиш ва малакага эга бўлиш имконини беради, балки аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтиради ҳамда миллий иқтисодийнинг мустақамлаштиришга хизмат қилади.

Жамшид ТИЛАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунчиликка рўя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси бош маслаҳатчиси

Сўранг, жавоб берамиз!



Фаолиятим давомида кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлашга тўғри келади. Шу ўринда қонун ҳужжатлари ўзи нима, у қандай қабул қилинади, деган саволлар туғилиши табиий. Шулар ҳақда бироз маълумот берсангиз?

Қ.Алламуродов, фермер

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонун ҳужжатларидир ва улар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари мажмуини ташкил қилади, Конституция ва қонунлар, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари қонунлар деб аталса, Президент фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг буйруқ ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонун ости ҳужжатлари ҳисобланади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари деганда эса Конституция-миз, қонунлар, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Президент фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг буйруқ ва қарорлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари тушунилади.

Қайд этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ваколат доирасидан келиб чиқиб ва ҳужжатнинг турига қараб Олий Мажлис палаталари, Президент, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ёки мансабдор шахсларига қабул қилиш ҳуқуқи берилган.

Умуман олганда, қонун ҳужжатлари «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади. Хабарингиз бор, ўтган давр мобайнида қонун ижодкорлиги жараёни кенгайиб, мураккаблашди, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатига нисбатан талаблар сезиларли даражада ошди. Шу маънода 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган парламент палаталарининг қўшма мажлисида Президентимиз томонидан эълон қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ушбу қонуннинг янги таҳрири қонун қабул қилиш лозимлиги алоҳида қайд этилган эди. Концепцияда билдирилган тақдирлардан келиб чиққан ҳолда, ушбу қонуннинг янги таҳрири ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Янги таҳрирдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг аввалгисидан қандай асосий фарқлари мавжуд?

Л.Хўжаев, талаба

Ушбу қонунда нормалар аниқ ва батафсил ёритилган ҳамда кенгроқ қамраб олингани билан аҳамиятга молик. Шу билан бирга, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро нисбатини аниқлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш тартиби ҳамда уларнинг мазмунига қўйиладиган асосий талабларни белгилаш, шунингдек, уларнинг ижроси ташкил этилишини таъминлаш баъбар ушбу қонуннинг асосий вазифаларига киритилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳар йили Олий Мажлис Сенатига давлат бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятидаги қонунчиликнинг ҳолати тўғрисида ахборот бериши, шунингдек, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга киритгани учун маъмурий жавобгарлик белгилаб қўйилди.

Шунингдек, маъмур қонун юқоридигиларга ўшганча, бугунги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда қатор янги моддалар билан ҳам тўлдирилди.

Қонун ҳужжатлари қабул қилингунга қадар текшириладими, бу жараён қимлар томонидан ва қандай амалга оширилади?

С.Саломов, тадбиркор

Албатта, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади. Яъни, ҳуқуқий экспертиза давомида ҳужжат лойиҳасининг нафақат Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларига, балки қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек, ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги ҳам текширилади.

Ҳуқуқий экспертиза ҳужжат ишлаб чиқувчининг ёки қабул қилувчи органнинг юридик хизмати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши мумкин. Адлия вазирлиги ҳуқуқий экспертизани бошқа турдаги экспертизалар ўтказилганидан кейин амалга оширади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларига юклатилган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиши тўхтатилиб турилиши ёки тугатилиши мумкинми? Бу қандай ҳолатларда амалга оширилиши мумкин?

Ф.Имомов, банк ходими

Маъмур саволга жавоб қонуннинг 35-моддасида аниқ ва лўнда кўрсатиб ўтилган. Ушбу моддага кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисмининг амал қилиши уни қабул қилган орган ёхуд унинг юқори туровчи органи томонидан муайян муддатга ёки муайян ҳодиса юз бергунга қадар тўхтатиб турилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги қарори билан тасдиқланган «Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларини ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида»ги низомнинг 18- ва 20-бандлари ҳамда Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 14 февралда 1905-сон билан рўйхатга олинган «Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари»нинг 94-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги низоли масалалар келиб чиққанда, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўллаш билан боғлиқ бўлган янги ҳолатлар аниқланганда, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши тўғрисидаги талаблар бажарилмаган тақдирда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туришга ҳақли.

Ойбек ТУРҒУНОВ,
Тошкент давлат юридик институти доценти,
юридик фанлар номзоди

Саволларга Адлия вазирлиги масъул ходими **Б.ХУДОЙҚУЛОВ** жавоб берди.

Ёшларга эътибор —

келажакка эътибор

Эътироф

Ёшлар Ватанимиз келажаги, эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучидир. Бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар умумий аҳолининг деярли 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 64 фоизини ташкил этади. Шу боис, юртимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан ҳар томонлама билимли, юқори малака ва касб-хунарга эга ёшларни тарбиялашга қаратилган улкан эътибор ана шундай эзгу мақсадларни амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Ёшларга бўлган алоҳида эътиборни миллий қонунчилигимизда кўрсак бўлади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги қонунлар, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури», Мактаб таълимининг ривожлантириш давлат умумийлиги дастури, Меҳнат кодекси, Фуқаролик кодекси ва бошқа бир қатор ҳужжатлар бунга мисол бўла олади. Ушбу қонунларда ёшларга доимий гамхўрлик кўрсатиш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ўз манфаатларини амалга ошириш йўллари эркин танлаб олиш кафолатлари ўзининг ҳуқуқий ифодасини топган.

Албатта, биз юртимизнинг эртанги ривожини йўлида қандай



Ёшлар тарбияси — кенг қамровли иш. Жамиятнинг ҳар бир ёш аъзоси замонавий билимларни чуқур эгаллаш билан бирга, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, улму аждодлар меҳросидан, миллий ва умуминсоний қадриятлардан бохабар, уларга оғишмай амал қиладиган, жамият олдидидаги ўз масъулиятини тўғри тушунган, иродаси мустаҳкам, имони бақувват бўлиши керак. Бу фазилатлар бир-бирини тўлдирishi, бири иккинчисига пойдевор бўлиши, яъни, таълим ва тарбия жараёнлари бир-бирига ҳамоханлик касб этиши лозим. Шундай экан, таълим-тарбия ҳеч қачон мавсумий ишга айланмаслиги, бу жараён тарбиячилар, устоз-мураббийларнинг ҳаммиша диққат марказида бўлмоғи зарур.

Орадан ўтган йилларга назар ташласак, мустақилликнинг ҳар бир йили, ҳар бир фаслида ёш авлод камолоти тўғрисидаги гамхўрликка гувоҳ бўламиз. Шу йиллар ичида

олий ва ўрта махсус таълим тизими янгидан қад ростлади, йигит-қизларимизнинг тўла маънода таълим олиши, жисмонан соғлом бўлиб ўсиши учун зарур бўлган барча шароитлар яратилди.

Бугун Ўзбекистон дунё эътиборини ўзига қаратиб, ҳаётнинг турли жаҳаларида эътибор ва ибратга молик ютуқларни қўлга киритаётган, мустақил Ватанимизнинг шуҳратига шуҳрат қўшилаётган экан, бунда янги нақирон авлоднинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор, албатта. Ёшлар бугун мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида, бошқарувда, илм-фан, саноат, иқтисодиёт, қишлоқ ҳўжалиги, маданият, санъат ва спорт соҳаларида етакчи мавқега эга бўлиб туришибди.

Ёшларнинг фан-техника, тасвирий ва амалий санъат, тиббиёт, бадий ҳаваскорлик, профессионал ижрочилик, халқ хунармандчилиги, спорт ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларини, эришаётган ютуқла-

рини кўриб, бугун ёшлардан кўп нарсаларни ўрганса бўлади, деган хулосага келади киши. Биргина халқроқ Меңделеев олимпиадасида ўзбекистонлик ёшлар эришган ютуқ мамлакатимизда илмий салоҳият жадал сурьатларда ривожланаётганини дунёга кўрсатиб турибди. Бунинг натижаси ўлароқ, мамлакатимиз «Болаларни асрайлик» халқаро ташкилоти томонидан ёш авлод саломатлиги тўғрисида энг кўп ва самарали гамхўрлик қилаётган илғор давлат сифатида расман эътироф этилди.

Мамлакатимизда ёшларга берилаётган бундай улкан эътибор, биздан бугун ўта долзарб бўлиб бораётган тарбиявий муаммоларни ечишда, маънавий ҳаётимизни юксалтиришда, жамиятимизда энг инсоний фазилатларни кенг қарор топтиришда, тобора кучайиб бораётган, бизнинг миллий табиатимиз, урф-одатларимизга мутлақо зид бўлган ҳар қандай зарарли таъсирлар, бузғунчи ғояларга қарши туришда, азалий қадриятларимизни асраб-авайлашда ўз оиламиз орқали муносиб ҳисса қўишни тоқозо этади. Ана шундай ёндошув орқали тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг соғлигини асраш, ҳаётга йўлашга эришамиз.

Назорат самараси

Солиқ

Сўнгги йилларда юртимизда солиқ тизимини замон талаби асосида ташкил этиш мақсадида босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилмоқда. Айна борада солиқ қонунчилигини соддалаштириш ва ривожлантириш жараёни муҳим аҳамият касб этаяпти. Мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлиги кўп жиҳатдан Давлат бюджетининг барқарор юқсалишига боғлиқлиги боис, бюджетга тегишли бўлган солиқлар ва тўловларнинг муддатида ҳамда бир меъёردа тушишини таъминлаш давлат солиқ органларининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Шунинг учун мамлакатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан давлат солиқ идоралари фаолиятини такомиллаштириш, унинг ишлаш механизми замон талабига мослаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, мамлакатимиз Президентининг «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ давлат солиқ қўмитаси таркибида бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг худудий бўлиналари ташкил этилди.

Утган давр мобайнида мазкур бош бошқарманинг Сурхондарё вилоят бўлими томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 1 май ҳолатига 51 та қисқа муддатли текшириш ва рейд тадбирлари ўтказилди. Ушбу текширишларнинг 2 таси бозорларда, 30 таси турғун савдо нуқталарида ва 19 таси савдо расталарида ўтказилиб, уларнинг барчасида ҳуқуқбу-

зарлик ҳолатлари аниқланди. Олиб борилаётган савдо-харажатлар натижасида ҳуқуқбузарлардан қиймати 152,3 млн. сўмлик товар моддий бойликлар далилий ашё сифатида олиб кўйилди. 7 та ҳолат бўйича тўпланган ҳужжатлар жиноят аломатлари мавжудлиги сабабли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди. Бошқарманинг вилоят бўлими ходимлари томонидан вилоят бозорларида ўтказилаётган рейд ва қисқа муддатли текширишларда айрим шахслар ноқонуний савдо фаолияти билан шугулланаётганлиги аниқланди. Фуқаро Умида Тошбоевадан 8 миллион 999 минг сўмлик миқдори 4400 килограмм ун, 317 литр ўсимлик ёғи далилий ашё сифатида олинди. Шундан ташқари, Рустам Жумаевнинг савдо-сотик фаолияти ҳам ноқонуний тартибда экан. Унинг савдо шохбасидан қиймати 4 миллион 418 минг сўмлик 1300 килограмм ун, 367 литр ўсимлик ёғи далилий ашё сифатида олинди. Шунингдек, Рустам Жумаевга тегишли савдо шохбасида 3 миллион 380 минг сўм нақд савдо пули назорат-

касса машинасидадан ўтказилмаганлиги каби ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланди. Ўтказилган қисқа муддатли тадбир чоғида «Исроилбек транссервис» МЧЖга қарашли савдо дўкони кассасидаги 4,8 млн. сўм савдодан тушган нақд пулнинг атиги 635 минг сўми назорат касса машинасидадан ўтказилганлиги маълум бўлди. Шу билан бирга дўконда 538 литр ўсимлик ёғи ҳамда ноозик-овқат маҳсулотлари қонунга ҳилоф тарзда сотилаётганлиги аниқланди. Натижада қиймати 2,7 миллион сўмлик маҳсулотлар далилий ашё сифатида олиб кўйилди. Умуман олганда, бир кунлик қисқа муддатли рейд тадбири давомида 38,8 миллион сўмлик товар-моддий бойликларнинг қонунга ҳилоф равишда сотилаётганлиги аниқланди. Айна пайтда ноқонуний тартибда савдо-сотик ишларини олиб борган мазкур шахслар иши юзасидан суриштирув ишлари олиб берилмоқда.

Илҳос РАҲМАТОВ,
Сурхондарё ДСБ ахборот хизмати бошлиғи

Имтиёзли товарларнинг божхона қиймати тасдиқланади

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш сиёсати изчил равишда амалга оширилиб, уларнинг самарали фаолият юритишлари учун энг қулай шарт-шароитлар яратиб келинмоқда.

Жумладан, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда кўмаклашиш, олис ва илчи кучи ортиқча бўлган ҳудудларда бизнесни ривожлантириш, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришда мунтазам равишда божхона имтиёзлари ва преференциялари бериб боришмоқда. Бу эса имтиёзлар тўғрисида маълумот олиш каби хизматлар ҳам жой олган. Таъкидлаш жоизки, интерактив хизматлар тизимидан фойдаланган ҳолда солиқ ҳисоботларини тайёрлаб интернет тармоғи орқали юборилганда, ҳисоб-китоб қилишда йўл қўйиш мумкин бўлган мантқиқий ва арифметик хатоликларнинг олди олинади, уларга ишлов бериш тезкорлиги ортади, ҳисобот шакллари ҳарид қилиш харажатлари, солиқ инспекциясига келиб-кетish учун кетадиган вақт иқтисод қилинади, бундан ташқари, ҳисоботларни кўриш истаган вақтида солиқ органларига жўнатиш мумкин.

З.КОКЕНОВ,
Учтепа туман ДСИ бўлим бошлиғи

Мақсадида 2013 йилнинг 1 апрелидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг божхона худудига бож тўловлари бўйича имтиёзлар қўлланган ҳолда олиб кирилган товарларнинг божхона қийматини тасдиқлаш учун тадбиркорлик субъектлари — импортёрлар томонидан экспорт юк божхона декларациясини мажбурий тақдим этиш тартиби жорий этилди. Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2013 йилнинг 22 майида «Тадбиркорлик субъектлари — импортёрлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг божхона худудига бож тўловлари бўйича имтиёзлар қўлланган ҳолда олиб кирилган товарларнинг божхона қийматини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор қабул қилинди. Мазкур Низом қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар олиб кирилаётган товарларнинг фақат тасдиқланган қийматидагина берилишини назарда тутмоқда. Олиб кирилаётган товарнинг тасдиқланган ва тасдиқланмаган қийматини, тўланиши керак бўлган божхона тўловларини ва божхона тўловлари бўйича имтиёзларнинг ҳисоб-китоби ушбу Низом билан тасдиқланган шакл бўйича божхона юк декларациясига илова қилинади ҳамда божхона расмий-



лаштириш бўйича мутахассиснинг имзоси ва декларант мўҳри билан тасдиқланади.

Агар «эркин муомала учун чиқариш» режимида божхона расмийлаштируви пайтида талаб этилган ҳужжатлар тақдим этилмаган, товарлар бўйича божхона тўловлари тўланган бўлса, импортёр зарур ҳужжатларни товар божхонада расмийлаштирилган кундан бошлаб 1 йил мобайнида тақдим этиши мумкин.

Натижада, божхона тўловлари қайта ҳисоблаб чиқарилади ва ортиқча тўланган божхона тўловлари қайтарилади ёхуд белгиланган тартибда, импортёр талабига кўра келгусидаги божхона тўловлари ҳисобига ўтказилади. Импортёрлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида мувофиқ олиб кирилган товарларни божхонада расмийлаштиришда тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади.

Жавоҳир МУСАЕВ,
Давлат божхона қўмитаси Божхона тарифларини тартибга солиш ва тўловлар ҳисобини юритиш бош бошқармаси бош инспектори

Интерактив хизматлар — давр талаби

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг www.soliq.uz расмий веб сайтида интернет тармоғи орқали жорий этилган интерактив хизматлар тизими солиқ тўловчилар ва солиқ хизмати органлари ўртасида ишончли ва қулай маълумот айирбошлашнинг таъминлаб, улар ўртасидаги мулоқотнинг янгича шаклини юзага келтирди. Ушбу тизимга юридик шахслар учун солиқлар ва бошқа йиғимларни ҳисоблаш ва тўлаш учун лозим бўлган, солиқ ва молиявий ҳисоботларни ҳамда бошқа зарур ҳужжатларни электрон кўринишда шакллантириш ва солиқ органларига жўнатиш, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрисида маълумот олиш ва солиштирма даволанмасини шакллантириш, ҳўжалик юритувчи субъектларда текширишлар ўтказиш бўйича республика режа-графикдан кўчирма олиш каби интерактив хизматлари киритилган. Шунингдек, тизимда жисмоний шахслар учун даромадлар тўғрисидаги декларацияларни электрон кўринишда шакллан-

тириш ва солиқ органларига жўнатиш, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрисида маълумот олиш, солиқ тўлови қитанцияларни тўлдириш ва чоп этиш, яқна тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текшириш бўйича маълумотлар олиш каби хизматлар ҳам жой олган. Таъкидлаш жоизки, интерактив хизматлар тизимидан фойдаланган ҳолда солиқ ҳисоботларини тайёрлаб интернет тармоғи орқали юборилганда, ҳисоб-китоб қилишда йўл қўйиш мумкин бўлган мантқиқий ва арифметик хатоликларнинг олди олинади, уларга ишлов бериш тезкорлиги ортади, ҳисобот шакллари ҳарид қилиш харажатлари, солиқ инспекциясига келиб-кетish учун кетадиган вақт иқтисод қилинади, бундан ташқари, ҳисоботларни кўриш истаган вақтида солиқ органларига жўнатиш мумкин.

“Ўзпартаъминот” очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

- “Ўзпартаъминот” очиқ акциядорлик жамияти барча акциядорларини 2013 йил 19 июнь кунини соат 15:00 да Бухоро вилояти, Қоровул-бозор тумани, С.Раҳимов кўчаси 20-уйда жойлашган “Ўзпартаъминот” ОАЖ маъмурий биносига ўтказилган умумий йиғилишга таклиф қилади.
- Йиғилишга акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки вакиллари ишончнома билан келишлари сўралади.
- Йиғилиш кун тартиби:**
 1. Жамият кузатув кенгашининг 2012 йилда бажарган ишлари юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш;
 2. 2012 йил молия-ҳўжалик фаолияти яқунлари бўйича жамият бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш;
 3. Жамият тафтиш комиссиясининг 2012 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш;
 4. Жамият аудиторининг 2012 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти яқунлари бўйича ҳулосасини тасдиқлаш;
 5. Жамиятнинг 2012 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти яқунлари бўйича бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлар ҳисоб варағини тасдиқлаш;
 6. Жамиятнинг 2013 йил учун Бизнес режасини тасдиқлаш;
 7. Жамиятнинг 2012 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти яқунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш;
 8. Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш;
 9. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини қайта сайлаш;
 10. 2013 йил учун жамият аудиторини ҳамда унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдорини тасдиқлаш;
- Акциядорларни рўйхатга олиш 2013 йил 19 июнь кунини соат 14:00 дан 15:00 гача амалга оширилади. Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати акциядорлар реестрининг 2013 йил 15 июнь ҳолатида шакллантирилади. Умумий йиғилишга тайёрланган ҳужжатлар билан жамият маъмуриятида танишиш мумкин. Йиғилишда акциядор шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки вакиллари нотариал тасдиқланган ишончнома билан қатнашишлари сўралади.
- Мурожаат учун телефон:**
8 (365) 364-15-80.

“Ўзпартаъминот” ОАЖ Кузатув кенгаши.

Платинали дисклар

Калифорния университети мутахассислари ўзларининг тайванлик ҳамкасблари билан биргаликда Applied Physics Letters журналичада илмий мақола чоп этишди.


Унда компьютерларнинг қаттиқ дискларини тайёрлашда энг самарали бўлган материал ҳақида фикр юритилган. Темир ва платина қоришмаси муаллифларнинг тасдиқлашича, компьютер индустриясида фойдаланилаётган материаллардан ўзига хослиги билан ажралиб туради. Олимплар янги қоришма ҳақида фикр билдирар экан, унинг кристалл структурасидаги ўзига хос хусусияти ёрдамида аввал фойдаланиб келинган материалларга қараганда анча камроқ магнитланган майдонни ҳосил қилиш мумкинлигини айтишмоқда. Бундан ташқари, бу майдонлар бири-бирдан унча узоқ бўлмаган масофада жойлашади ҳамда ушбу икки омил дискда сақланган маълумотларнинг юқори даражадаги зичлигини таъминлаб беради.



Платина ва темир қоришмасини тадқиқотчилар магнетрон кукунлаш орқали олишга муваффақ бўлдилар. Ушбу усулнинг моҳияти кристалл юзани ҳосил қилиш учун ишлов берилаётган металл сиртинини ионлар билан юмшатишдан иборат. Материалнинг магнит хусусиятини ошириш учун қоплама таркибига мис ҳам қўшиш мумкин.

Аномал нейтронли юлдузлар топилди

Астрофизиклар нейтронли юлдузлар тизимини ўзгартириб юборишга қодир аномал объектларни топишди.



Нейтронли юлдузларнинг ўта кам учрайдиган бу тури магнетар деб аталади ва унинг магнит майдони нейтронли юлдуз магнит майдонидан каттароқ бўлган боис ёрқин гамма-нурларини ҳосил қилиш хусусияти билан алоҳида ажралиб туради.

Ўз навбатида нейтронли юлдузлар юқори зичликка эга бўлган одатий юлдузларга жуда ўхшаб кетади ва зичлиги юқориликдан электронларни протонлар ёрдамида ўзига қабул қилиб, уларни нейтронларга айлантиради. Бундан ташқари, одатий юлдуз сўнган пайтда унинг магнит майдони диаметри 20 километрни ташкил қилувчи шар атрофида жамланади ва шунинг учун магнит майдонининг кучлиниши 11-12 баробарга ортади.

Нейтронли юлдузларнинг бундай ғайритабиий кучга эга бўлган магнит майдони астрофизиклар томонидан гамма-портлашларнинг манбаси деб ҳисобланмоқда. Ердан 6500 ёруғлик йили узоқликда топилган объект бир томондан магнетарга хос ёруғлик таратади, иккинчи томондан одатий нейтронли юлдузнинг магнит майдонидан анча фарқ қилади.

Аномал магнетарни Chandra, XMM-Newton, Swift и RXTE телескоплари ёрдамида уч йиллик кузатувлар нафақат фанга номмаълум нейтронли юлдузларнинг мавжудлигини исботлашга, балки аномалияга изоҳ бериш учун етарли маълумотлар тўплаш имконини ҳам берди. Фалакшунослар юлдузларнинг юза қисмидаги магнит майдон унчалик юқори бўлмагани билан унинг ядросидаги кучлиниши юқори даражада бўлишини айтишмоқда.

Осиё кўмакка келади

Халқаро «FOREX MMCIS group» аналитик компанияси мутахассислари Европа ҳудуди ҳамон иқтисодий инқироз асоратларидан тўлолигича қутула олмаётганлигини таъкидлашмоқда.



Айна пайтда АҚШ иқтисодиётида рўй бераётган айрим ижобий ўзгаришлар ҳам мамлакатнинг катта миқдордаги ташқи қарзи боис ҳақон молиявий аҳолига сезиларли даражада таъсир кўрсата олмайди.


Шундай шароитда таҳлилчилар дунё иқтисодий ўсишини Осиё мамлакатлари таъминлай олиши мумкин, дея умид билдирмоқдалар. Жумладан, Халқаро валюта жамғармасида 2013 йили ҳақон иқтисодиётининг “локомотиви” вазифасини ўтай бошлайдиган Осиё давлатлари 2013 йилда 5,7 фоизлик ўсишни таъминлайди, деб ҳисобламоқда.

Шу билан бир қаторда мутахассислар Осиё минтақасида мавжуд айрим муаммолар бу жараёнга ўз салбий таъсирини ўтказиши мумкинлиги борасида ҳам ўз хавотирларини билдиришмоқда. Жумладан, кейинги йилларда Хитойда иқтисодий ўсиш суръати қутлланган нисбатан секинлашган, Япония ҳам бу борада ибрат этиб кўрсатадиган даражадаги натижага эриша олмайди, минтақадаги табиий офатлар ва геосийсий беқарорликни ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

Фикр техникани бошқаради

АҚШдаги Миннесоти университети олимплари яратган янги қурилма техникани фикр билан бошқариш имкониятини бермоқда. Кашфиёт махсус тажрибахонада синовдан ўтказилди. Олимплар пулт ёрдамисиз ҳам учуш аппаратларини турли томонга ҳаракат қилишга мажбур эта олдилар.

Тажриба жараёнида профессор Бин Хе гуруҳи аъзолари 64 та электрод маҳкамланган махсус энцефалографик қалпоқ кийиб олишган. Айна шу электродлар учун ўқиб буйруқни бериб турган мия сигналларини қабул қилиб олади. Тадқиқотчилар янги технология ўзлари мустақил ҳаракат қилолмайдиган ёки гапиролмайдиган ногиронларга кўмак беришига ишонч билдиришмоқда. Мисол учун электродли қалпоқ ногиронлик курсини бошқаришда ёки суңый қўл-оёқларни ишлатишда қўл келади.



Садоқат КУПАЛОВА тайёрлади

Табиат неъматларидан оқилона фойдаланайлик

“Экоҳафталик-2013”

Бугунги кунда инсоният ва сайёрамиз келажаги кўп жиҳатдан атроф-муҳитни асрашга, жумладан, табиатнинг ифлосланиши, табиий ёки техноген талофатлар, биохилмаҳил манбаларнинг камайиши, табиий ва маданий ландшафтларга инсонлар ва табиий офатларнинг салбий таъсири оқибатида юзага келувчи долзарб муаммоларни ҳал этиш салоҳиятига боғлиқ.

Атроф-муҳитнинг бузилиши оқибатида “чегара ва ҳудуд танламайдиган” глобал муаммоларнинг юзага келиши бугун жаҳон мамлакатларини бир ёқадан бош чиқариб ишлашига эҳтиёж туғдирди. Шунинг учун халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги муаммоларга ҳамда глобал экологик фалокатларнинг олдини олиш борасида тегишли чора-тадбирларни қабул қилишга қаратиш мақсадида 1972 йил Стокгольм шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф-муҳитга бағишланган конференциясида “Бутунжаҳон атроф-муҳит кунини нишонлаш тўғрисида” қарор қабул қилинган эди.

Ўзбекистонда ҳам ушбу саноат муносиби нишонлаш ва аҳолини атроф-муҳитни ҳимоя қилиш тадбирлари ҳамда уларнинг экологик маданиятини ошириш мақсадида республика миқёсида 28 май — 5 июнь кунлари “Экоҳафталик-2013” ўтказилди.

Ҳафталик ташкил топганига 25 йил бўлган Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги вазоратонаси, Глобал экологик жамғармасининг кичик лойиҳалари дастури ва Марказий Осиё минтақавий экологик марказининг ваколатхонаси ташаббуси билан ўтказилди. Ҳафталик доирасида кўргазмалар, илмий-амалий конференциялар, медиаторлар, болалар экологик танловлари, муқобил энергия ва сув ресурсларини тежаш технологияларининг тақдироти бўлиб ўтди.

Жорий етти кунликда “Бутунжаҳон атроф-муҳит кунининг асосий мавзуси озик-овқат чиқиндиларини камайтириш масаласига бағишланди. Ҳар йили дунёда ишлаб чиқарилган 30 фоиз озик-овқат маҳсулотлари исроф қилинади ёки ташлаб юборилади. Ушбу чиқиндиларнинг моддий қиймати 1 триллион АҚШ долларини ташкил қилмоқда. БМТнинг Озик-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти маълумотига кўра, биргина Европа ва Шимолий Америка мамлакатларидаги ҳар бир кишидан йилига 95-115 кг. озик-овқат қолдиқлари чиқади.

Инсонларнинг турли хил озик-овқатга бўлган эҳтиёжи ошгани сари тайёр озик-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, хомашёни қайта ишлашга

бўлган талаб ортиб, саноат ривожланаверади. Саноатнинг тараққиёти этиши мамлакат иқтисодиёти ва аҳоли фаровонлигини яхшилаши билан бир пайтда экологик ўзгаришларни юзага келтириши мумкин. Ўзбекистонда ана шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш, ундан келиб чиқадиган оқибатлар даражасини камайтириш, табиатни асраш, табиат қонунларига эид ҳаракат қилганларга нисбатан жавобгарлиқни ошириш ва шу каби мақсадларни муҳассас этган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими шакллантирилди. “Та-

Партия Ўзбекистон Экологик Ҳаракати билан нафақат умуммиллий миқёсда, балки муайян ҳудуд шароитларида атроф-муҳит ифлосланиши, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонунчиликдаги камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича яқиндан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси дастуридан

биатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Мезморчилик ва шахарсозлик тўғрисида”, “Атмосфера ҳавосининг муҳофазаси тўғрисида”, “Экологик экспертиза тўғрисида”, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”, “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонунлар ҳамда республика аҳоли яшаш жойларининг санитария-эпидемиология ҳолати учун шахарлар ва туманлар ҳокимлари, қороналар, муассасалар, ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари ва фуқароларнинг ҳуқуқий жавобгарлигини кучайтириш мақсадида чиқарилган “Санитария



қонунларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги фармон шулар жумласидандир.

Иклими, табиати ва экологик салоҳияти жиҳатидан дунё ҳамжамиятининг қизиқиши ва эътирофига сазовор бўлаётган юртимизнинг деярли ҳар бир гўшасида экотуризм ва этно-

Хусусан, ёзнинг жазирама пайтларида мамлакатимизнинг марказий минтақасида жойлашган вилоятнинг Зомин, Баҳмал туманларидаги тоғларнинг табиий манзараси ва обхавосининг мўътадиллигидан баҳраманд бўлиш талабдорлари ортиб боради. У ерга нафақат мамлакатимиз аҳолиси, балки чет эл фуқаролари ҳам сайёҳлик мақсадида боришади. Инсонлар эса табиатга таъсир ўтказиб, унга зиён етказиши, оқибатда рекреацион ресурсларнинг асл ҳолати ўзгариши мумкин. Шу сабабли Зомин тумани ва вилоятнинг бугунги экологик ҳолати хусусида Жиззах вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси маъсул ходими билан суҳбатлашдик.

— Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги тоғли ҳудудлар азалдан табиий рекреацион ресурсга бой, баҳаво маскан, — дейди қўмита мутахассиси Комилжон Қаршибоев. — Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқаро мўлиявий ва иқтисодий институтлар, донор мамлакатларнинг бегараз техник қўмагини жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Жиззах вилоятида БМТ Тараққиёт дастурининг “Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролик иштироки ва ҳамкорлик” лойиҳаси асосида экотуризм ривожига алоҳида аҳамият берилмоқда. Денгиз сатҳидан уч минг метр балангликда жойлашган Зомин тоғи ҳудудида туризмни ривожлантириш мақсадида барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Ҳудуддаги яшил арчазор ўрмон Марказий Осиёдаги энг йирик ўрмонлардан бири бўлиб, ЮНЕСКОнинг «Умумжаҳон мероси» рўйхатида киритилган. БМТ Тараққиёт дастури лойиҳаси доирасида «Зомин» санаториясини замонавийлаштириш тақлифи Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан маъқулланган. Ҳозир муайян маблағлар жалб этилган ҳолда фаввора, чўмилиш ҳавзаси, спорт майдончалари, тоғ чангиси трассаси қурилиши амалга оширилмоқда. Албатта, бу

каби ишларни юритишда қўмитанинг фикри ҳам ҳисобга олинмоқда.

Вилоятда инновацион технологиялар ёрдамида айрим турдаги чиқиндиларни қайта ишлаш, утилизация қилиш ва зарарсизлантиришда 2009 йилдан буюн фаолият юритаётган Ўзбекистон-Туркия «EgYu plastik» қўша корхонасининг ўрни катта. Маълумки, сўнгги пайтларда аҳоли ўртасида омлашган пластик қадқоқа эга газли ва газсиз ичимликлардан жуда кўплаб идишлар чиқиндига чиқиб кетади. Корхона айнан шундай идишларни қайта ишлаб, улардан саноат учун хомашё тайёрлайди. Бир суткада лойиҳавий қуввати 20 тонна пластик идишларни қайта ишлаш имкониятига эга корхонанинг смета нархи 400 000 АҚШ долларини ташкил этади. Қолаверса, вилоятнинг Галлаорол туманида шу кунларда очилиши режалаштирилган яна бир корхона — “Алишер савдо инвест” МЧЖ ярқисиз автошиналарни қайта ишлаб, улардан бошқа турдаги хомашёни ишлаб чиқариш ниятида.

Албатта, ҳар бир экологик муаммо соҳа мутахассисларининг илмий-назорий билим-малакасини амалий жиҳатдан қўллашнинг талаб этади. Бирок айни пайтда экологик муаммо шундай масалалар сирасига кирдики, бунинг учун фақатгина мутахассисларнинг профессионал нуктаи назарини амалда жорий этиш камлик қилади. Шу сабаб, бутун жамият, инсоният экологик билим ва дунёқарашга эга бўлиши, бир сўз билан айтганда, жамиятнинг ҳар бир фуқароси табиатдан тўғри ва унумли фойдаланиши лозим. Зеро, бежиз табиатга яхшилик қила олмадингми, ҳеч бўлмаса ёмонлик қилма, дейишмайди...

Шундай экан, она табиат неъматларидан оқилона фойдаланиб, атроф-муҳитни самарали муҳофаза қилиш ҳар биримизнинг зиммамиздаги бурч эканлигини ёдимиздан чиқармайлик.

Муборак ҲАКИМОВА, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти ўқитувчиси

Партиямиз фаоллари

Ўзбекистон Бадий академиясининг аъзоси, таникли кулол Одилбек Матжонов Хоразм вилояти Хонқа туманидаги Мадир қишлоғида истиқомат қилади. Қўли гул уста томонидан тайёрланаётган қирқдан зиёд турдаги кулолчилик маҳсулотлари нафақат республикаимизда, балки қатор хориж давлатларида ҳам машҳур.

«Адолат»чи кулол

— Мустақиллик шарофати билан биз каби ҳунармандларнинг ўз иқтидорларини рўйбоғга чиқариши учун барча зарур шароитлар яратилган. Президентимизнинг «Урганч шахрининг бош режасини амалга ошириш, ободонлаштириш ишларини ва Хоразм вилояти аҳолисининг ичимлик суви таъминотини тубдан яхшилаш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлашга, бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссамизни қўшаёلمиз, — дейди Одилбек Матжонов. — Жумладан, ал-Хоразмий, А.Баҳодрихон номли шох қўчаларда қурилган кўп қаватли биноларга қўшилган — зангори рангдаги плитка-безакларини тайёрлаб бермоқдамиз. Бугун вилоят марказида қад ростлаётган биноларда замонавийлик ва миллийлик уйғун бўлмоқда.

Одилбек Матжонов Мадир қишлоғи ёшларига ҳам отасидан мерос бўлиб келадиган кулолчилик сирларини ўргатиб келмоқда. Унинг устахонасида ёш кулоллар — Сарвар Раҳимбердиев, Огабек, Шухрат Раҳимовларни доимо ўқратиб келиб келмоқда.

Қишлоқ мактаби билан ҳамкорликда ҳам эзгу ишлар йўлга қўйилган. Бу ерда Одилбекнинг отаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, Камолитдин Бехзод номидиги Давлат мукофоти соҳиби Раҳимбердиев ота Матжонов хотирасига бағишланган музей ташкил этилган. Унда кулолчилик тарихи, усталар ва уларнинг анъаналарини муносиб давом эттираётган қўли гул инсонлар ҳақида маълумотлар бор. Бу ерда бўлган киши ўзбек кулолларининг билими, маҳорати, тажрибаси, изланишларига қувонч ва ҳайрат билан боқади.

«Адолат» СДП аъзоси О.Матжонов нафақат педагогик жамоа, балки маҳалладошлари билан биргаликда «Ободлик кўнгилдан бошланади», «Юртимизни янада обод қиламиз» мавзуларида давра суҳбатлари ўтказиб келмоқда. На-тижада, бу ерда «Адолат» гоёларига ва партияга ишонч ортиб бормоқда.

О.Матжонов мунтазам равишда республика ва халқаро кўргазмаларида ўз маҳсулотлари билан иштирок этиб келади. Шу йилнинг куз ойида Одилбек Матжонов Японияда бўлиб ўтадиган кўргазмада Хоразм нақшлари жилоланган кулолчилик маҳсулотлари билан иштирок этади.

— Партиямиз аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жаҳаларидаги фаоллиги ошмоқда. Жумладан, Одилбек Матжонов доимо хайрли ишлар ташаббускори, — дейди «Адолат» СДП Хонқа туман кенгаши раиси Раимбой Латипов. — Айни пайтда қишлоқ маҳалла фуқаролар йиғинида «Қадрият» музейи ташкил этилишида О.Матжонов ўзининг маслаҳатлари, тавсиялари билан фаол иштирок этапти.

— Шуниси қувонарлики, миллий анъаналарини давом эттириб, кулолчиликни ўрганаётган ёшларнинг сафи кенгаймоқда. Урганч суратлар галереяси, вилоят маънавият-маърифат марказида ёш кулолларнинг ранг-баранг ишларини кўриб, қалбим қувончга тўлади, — дейди О.Матжонов.

Ҳа, гўзал қадриятларимиз, урф-одатларимизни кенг тарғиб қилиб, юртимиз раванқиға амалий ҳисса қўшаётган партия фаолларининг ибратли ишлари қалбларга қувонч бағишлайди.

С.РАҲИМБЕРГАНОВА



Нью-Йоркда ўзбек фильми

Нью-Йоркда Евроосиё мамлакатлари кинофестивали бўлиб ўтди. Унда 25 дан ортик бадий, ҳужжатли, қисқа метражли ва анимацион жанрда суратга олинган фильмлар тақдимоти ўтказилди.

Ўзбекистоннинг таникли режиссёри Аюб Шаҳобиддинов томонидан суратга олинган “Паригод” бадий фильми фестивалда “Энг яхши режиссура” номинацияси бўйича голибликни қўлга киритди. Фильм қишлоқда тасодифан

пайдо бўлган парисифат қиз ҳақида бўлиб, фаришта мисоли кўриниши ва ўзини тутуши сабабли қишлоқдошлари уни “Пари қиз” деб атайдилар. “Паригод” фильми премьераси Тошкентда 2012 йили 1 июлда бўлиб ўтган

юксак баҳога эга бўлди

эди. Сценарий муаллифи драматург, ёзувчи Эркин Аъзам. Ролларни Зарина Низомиддинова, Самиддин Лутфуллоев, Бахтиёр Қосимов, Дилором Каримова, Беҳзод Мухаммадкаримов, Вазира Юнусова, Толиб Мўминов, Лола Элтоева, Тоҳир Саидов сингари санъаткорлар ижро этишган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Аюб Шаҳобиддиновнинг мазкур картинаси халқаро миқёсдаги “Ника”, “Евразия”, “Киношок” сингари кинофестивалларида иштирок этган. “Киношок” фестивалида фильм бош соврин — Гран-при мукофоти-га сазовор бўлган.


Юлдуз РУСТАМОВА



ЭЪЛОН “2-Автобус саройи” ОАЖ

“Мерседес-Бенц”, “Исузу” русумли автобусларга “Д” тоифага эга 60 ёшгача, Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган ҳайдовчиларни ишга тақлиф қилади. **Ойлик иш ҳақи 800 000 сўм.** Шунингдек, чиптачиларни ҳам ишга тақлиф қилади. **Ойлик иш ҳақи 350 000 сўм.**

Мурожаат учун телефонлар: 296-32-60, кадрлар бўлими 296-55-52 **Манзил:** Паркент кўчаси, 263.



ОБЪЯВЛЕНИЕ ОАО “2-Автобус саройи”

Срочно производит приём водителей категории “Д” с оплатой 800 000 сумов в месяц в возрасте до 60 лет с городской пропиской на автобусы марки “Мерседес-Бенц”, “Исузу”.

А также кондукторов с оплатой 350 000 сум. За справками обратиться по телефонам: 296-32-60, отдел кадров 296-55-52 Наш адрес: ул. Паркентская, 263.

ADOLAT

ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши

Таҳрир хайлати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмонил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Суетлана ОРТИКОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазор ХУҲАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Мухаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МҲМИНОВ.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували САЙБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Ахборот, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (146); Мазнавият ва маданият бўлими 288-46-64 (151); Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс: Қотибнут — 288-46-64 (144).

Навбатчи муҳаррир — А.ЙҮЛДҮШЕВ. Навбатчи — Ф.ЖУРАЕВ

«Адолат»дан кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарк тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgz.uz
adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

«Шарк» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г—600. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 12348. Босишга топшириш вақти — 00.00. Босишга топширилди — 01.00

1 2 3 5